

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 22-iyun №26 (4476)

ҲАМКОРЛИК МЭМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ҳарбий қисмларда ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш ва уларни юксак савияли адабиётлар билан таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси И.Мирзаалиев очиб, ҳарбий қисмларда ўз хизмат бурчини ўтаётган ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури, дунёқарашини юксалтириш, улар қалбида Ватани, халқига муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтиришда китобхонлик маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Сайид, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари Ш.Шокиров, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров ва бошқалар жамиятимизда юксак маънавият-ли шахсни камол топтиришда, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган баркамол авлодни вояга етказишда "Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепцияси"-нинг қабул қилиниши китобхонлиқни ривожлантириш бора-сидаги амалий қадамлардан бири бўлганини таъкидлади.

Айни пайтда Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ёшларнинг китоб ўқишлари учун ҳарбий қисмларда барча шарт-шароитларга эга 120 та кутубхона ташкил этилган. Уларнинг фондини турли мавзу ва жанрлардаги адабиётлар билан тўлдириб боришда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, ҳарбий-маъмурий секторлар, Ёшлар иттифоқи, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари фаол иштирок этиб келмоқда.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан "Аскар кутубхонаси" туркумида замонамиз қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятига оид адабиётларни чоп этиш йўлга қўйилгани ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар ҳамда Темурбеклар мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Энг яхши китобхон" ва "Китобхон посбон" танловлари ҳам уларнинг баддий диди ва маърифий савияси ўсишига хизмат қилмоқда.

Бугунги тезкор ва замонавий шароитда интеллектуал салоҳияти юксак кадрларни тайёрлашда ёшларнинг китобга муносабатини янада яхшилаш, ҳарбий қисмларда мавжуд кутубхоналар фондини энг янги баддий, илмий, соҳага доир адабиётлар билан, шу жумладан, ҳарбий техника воситаларини сақлаш ва улардан фойдаланишга доир давлат тилидаги китоблар билан мунтазам равишда бойитиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда ҳарбий қисмлар кутубхоналарини янги китоблар билан таъминлаш механизминини янада такомиллаштириш зарур.

Семинарда шундай долзарб масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир сўнгиди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси матбуот хизмати



Уюшма фаолиятдан

ТАҚДИМОТ

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ҳодими, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матқубованинг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган уч жилли "Сайланма" асарлар тўплами тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчилари, шоирлар, адабиётшунослар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Тиловберган Жумамуртов таваллудининг 103 йиллиги муносабати билан ташкил этилган адиб ҳаёти ва ижодида бағишланган фотосуратлар ва китоблар қўразмаси ҳамда адабий анжуманда таниқли ижодкорлар, устоз шоирнинг шоғирлари, мухлислари иштирок этди.

Фаргона вилояти Марғилон шаҳридаги "Ижодкорлар боғи"-да қад ростлаган бир минг саккиз юз ўринли ёзги амфитеатрининг очилиш маросимига бағишланган "Марғилон оқшомали"-деб номланган адабиёт ва санъат байрамида шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, ёш қаламқашлар вакиллари қатнашди.

Андижон вилоят Қўғирчоқ театрида ўтказилган ҳарбий хизматчилар билан китобхонлик мавзусига бағишланган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўринбосари А.Икромов Президентимиз томонидан ҳарбий хизматчиларнинг маънавий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Вазирлик ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар орасида китобхонлик ва мутлола маданиятини юксалтириш бўйича имзоланган қарорнинг аҳамияти, мақсади ва вазифалари ҳақида фикрлашиб олинди.

Таниқли ижодкорлар Тўлан Низоми, Қамчибек Кенжа ва Хуршида иштирокчида Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмда ташкил этилган ижодий учрашув мушоира, янги асарлар муҳокамаси ва тақдиротида улашиб кетди. Устоз адибларнинг тарихий романдари, сайланма асарлари мутлолаи ҳақидаги суҳбатдан сўнг қаламқаш аскарларнинг шеърый машқлари таҳлил қилинди.

Тахтиқорача довоидаги ўйлар

Тахтиқорача довои орқали Самарқанддан Китоб-Шахри-сабзга ёки шахри Кешдан Ургут томон ошиб ўтмаганлар кам бўлса керак. Довоннинг Тахтиқорача деб аталиши ҳам қизиқиш уйғотади. "Темур тузуқлари"да Жайхун соҳилларига қадар бўлган ҳудудлар Соҳибқирон бобомиз қаламравига ўтгунга қадар Қорачор нўён ҳукмронлигида бўлгани айтилган. Мовароуннахр Чига-тойхоннинг нуфузли амири томонидан шу ердаги қароргоҳдан туриб бошқарилган. Зарафшон тизма тоғлари этагидаги доvon Тахтиқорача деб аталиши боиси ҳам эҳтимол шундадир.

Соҳибқирон амири билан барпо этилган муаззам Оқсарой фаввораларига доvonнинг кунгай томонидидаги булоқлардан сопол кувлар орқали обиҳаёт бориб турган. Клавихоннинг "Амир Темур салтанатига саёҳат" китобида тилга олинган фавворалар манбаи – ана шу чашмалар. Ривоят қилишлари-ча, бир пайтлар шу чашмалар атрофида от кирса олти ойгача қайтиб чиқа олмайдиган катта ўрмон-боғ бўлган экан...

Бугун доvonнинг Ургутга қарашли Омонқўтон ва Булбулзорсой ёнбағирлари ҳам ўрмон билан қопланганини кўриб дилингиз яйрайди. Тоғ йўли ёқасида ўнлаб чашмалар кўз очган. Довондан тушиб келаётганлар ҳам, юқорига кўтарилаётганлар ҳам

ЭКОТУРИЗМ:

МИНГАРЧАДАН ЧИНОРГАЧА



Биринчи мақола

ширин-шакар булоқлардан чанқоғини қондирмасдан ўтмайди. Ҳиротдан шу доvon орқали келган Навоий бобомиз замонида ҳам бу чашмалар ҳаёт кўшигини қуйлаб турган бўлиши мумкин. Лекин юқоридидаги ўрмон эса... бўлмаган экан.

Буни анча йиллар бурун таниқли ўрмоншунос олим Абдуҳалил Қаюмов билан шу манзилдан ўтаётганда билиб олганман. "Сиз юртимиз ўрмонларини қўлингизнинг қафтларидек яхши биласиз.

Нега тоғнинг бу томони ўрмон-у, қибла тарафи яйдоқ қирлиқ?" деб сўраганимда, у киши: "Сиз айтган ўрмон табиий эмас, бу – сунъий ўрмон!" деб жавоб берганди.

Шу гапдан сўнг, тўғриси, кўп саволлар менга тинчлик бермай қўйди: ахир, шундай катта ўрмон инсон қўли билан яратилган бўлса, нега кўпдан-кўп бошқа тоғларимиз тап-тақир бўлиб ётиб-ди? Уларни ҳам ўрмонга буркаб, қуриб қолган булоқлар кўзини

Таклиф биздан

очишга, дарё ва сойларимиз су-вини кўпайтиришга бел боғласак бўлмайми?! Ахир, обиҳаётни сақлаб қолиш, кўпайтириш ўрмонзорларни кенгайтириш билан ҳам боғлиқ-ку!

Айниқса, бу йил иқлим қуруқ келиб сув танқислиги сезилганда, кўклар кезлари ҳам еру осмонни қора тўзон қоплаганда, шолзор даладар қисқара бошлаганда бу ҳақда яна мушоадага берилдим. Ва ниҳоят сафарга отланиб, Омонқўтондаги сунъий

ўрмон билан танишгани, унинг юзлаб чашмаларини қишин-ёзин обиҳаёт билан таъминлаб турган асрий арчаю чинорларни ўз кўзим билан кўргани Тахтиқорача до-вонига йўл олдим.

"Афросиёб" поезди шитоб билан манзилларни ортда қолдириб борарди. Менинг хаёлимда эса Булбулзорсойдаги сунъий ўрмоннинг барпо этилиш тарихи, гид-рогеолог олимларнинг обиҳаёт манбаларига доир кузатишлари... Маълум бўлишича, Амударё ва Сирдарёнинг ўртача йиллик оқими, уларнинг ирмоқларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 112-114 куб.километрни ташкил этаркан. Бу обиҳаётнинг 80-85 фоизи тоғлар қори, 3-5 фоизи эса ёмғирлар ва 10-15 фоизигина музликлар ҳиссасига тўғри келади. Иқлимнинг қандай келишига қараб эса, дарёлар сувининг йил-лик оқими 144 куб. километрдан 66 куб.километргача ўзгариб туради. Бу ҳол баҳор ва ёз қуруқ келган йилларда экинзорларни обиҳаёт билан таъминлашда катта муаммоларни келтириб чиқаради. Модомики, дарёларимиз сувининг асосий қисмини қорликлардан олар экан, тоғларга кўп қор ёғиши ва узок вақт сақланиб обиҳаёт артерияларини таъминлай олиши шу ҳудудлардаги ўрмонлар ҳолати билан чамбар-час боғлиқ. Тоғларда ўрмонлар қанча кўп ва қалин бўлса – қор ҳам, сув ҳам шунча кўп бўлиши оддий аксиома...

► 6



Миннатдорлик

Қайғули кунларда яшаётганимизда эълон қилинган Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори тушкун руҳимизга кўтаринкилик бахш этди. Отамизни бағримизга қайтариб бергандек бўлди, гўё. Ўшанда, бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган тадбирлар давомида, хусусан, Фарғонадаги адабиёт кунларида отажонимнинг хотирасига қўрсатилган ўрнатмани кўриб, тўғриси, йигидан ҳу-зимизни тутолмадик. Эркин Воҳидовни халқимиз нақадар севиши ва ардоқлашини бизни ўраб олган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳамюртлар меҳру муҳаббатидан яна бир бора англаб етгандик.

Қуни кеча эса нафақат оиламиз, балки халқимиз учун ҳам тарихий кун бўлди. Адабиёт, маънавият яна тантана қилди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи ва ташаббуси билан Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида қад ростлаган ижодкорлар боғи, Эркин

Воҳидов номидаги мемориал музей, она тили ва адабиёти ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг очилиши, айниқса, азим ҳайкал отажонимга янги ҳаёт бағишлади.

Муҳтарам Президентимизнинг "Эркин Воҳидовдек обрўли, ҳеч кимдан кўрмайдиган жасур ёзувчи ва миллатсевар одам йўқ", деган эъти-рофини эшитиб, шундай азиз ва улуг инсоннинг зурриёди эканимиздан фохру ифтихор ҳиссини туйдим.

Отамнинг улуг ёди ва ижоди халқ қалбида яшаётганини кўриш кўнгли-лашига таскин ва масрурлик бағишла-ди. Ижодкорлар боғида ана шундай узок келажақ ўйланган адабий мажмуанинг барпо этилиши миллат ада-биёти учун улкан бир маънавий сар-чашмадир.

Бешикдан алла эшитиб, руҳимиз куй, шеърят чашмаси билан суғорилган халқимиз. Бу гўзал богда ўта-диган Навоийхонлик, Бобурхонлик, Бедилхонлик, Ғузулийхонлик, Маш-

Падари бузрукворимизни йўқотган онда осмон бошимизга қулагандек, мушкул аҳволда қолдик. Меҳрибонингдан айрилиш азоби нақадар оғир эканини ўша лаҳзаларда англаганим: онажоним бир сиким бўлиб қолдиар. Сузач тоғидан айрилиб, чўкиб қолган онамнинг ёнида давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг мадад бўлиб турганлари ҳеч ёдимиздан чикмайди. Отамнинг дўстлари, шоғирлари, жуذا кўп яхшилар меҳри билан оёққа турдик.

рабхонлик кечалари кўнгишларга зиё – илму маърифат нуруни улашиши шубҳасиз.

Мазкур боққа қирар эканман, зумрад осмон, барқ уриб очилган гуллар кўйида худди жаннатга тушиб қолгандек ҳис этдим ўзимни. Боғ остонасидаги отажоним ҳайкалини кўрган лаҳзаларимда таърифлаб бўлмас ҳиссиётларни кечирдим. Шу онда "Икки дунё саодати" деган му-борақ калом дулкунимдан ўтди. Руҳим сезаяпти, балки бузрукворим нафақат шеърят, балки одаимийлик рутбасини баянлаб тутиб яшадилар, уларнинг боражақ манзиллари ҳам юзлари каби мунаввардир. Барча-барчаси учун Яратганга шукроналар келтириш асносида, Эркин Воҳидов хотирасига қўрсатилган бундай юксак эътибор ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбариятига оиламиз номидан чексиз миннатдорлигимизни билдираман.

Нозима ВОҲИДОВА,
шоирнинг қизи

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Республикамиз Мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшган устоз адиблар, бугунги кунда фаол ижод қилаётган пешқадим шоирлар ҳамда ёш ижодкорларнинг мард ва олижаноб халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти, миллатимизнинг эзгу қасдлари, ифодаланган, юртимизда инсон манфаат-лари ва унинг яратувчанлик қудрати баддий маҳорат билан қаламга олинган шеърларидан ташкил тоилган "ХАЛҚ ИЧКИ БОРАЙЛИК" номли шеърлар тўпламининг нашр этиш бўйича наشريётлар ўртаси-да танлов эълон қилинди.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун.

КИТОВНИНГ НАШР ҚЎРСАТКИЧЛАРИ:

Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муқовала, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда.

Ҳажми: 300 бет. Алдан: 1000 нуска.

ТАНЛОВГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ҚЎРСАТИЛИШИ ШАРТ:

1. Босмахона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия (рухсатнома) нусхаси.

2. Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома.

3. Нархларни асословий смета ҳисоб-китоблари.

4. Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Аллалар кўчаси.

Телефонлар: 231-69-87; 231-69-88; 231-83-51

МАЪРИФИЙ ЯНГИЛАНИШ САРИ

2018 йилининг 15 июнь — Рамазон ҳайити кунини Ўзбекистон тарихида унутилмас кун сифатида қайд этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ислон цивилизацияси маркази биносининг тамал тошини қўйиб берди. Бу виждон эркинлигини намойиш этувчи янги ҳаётнинг тамал тошидир.

Муҳтарам Президентимиз маросим чоғида зиёлилар билан ўтказган самимий суҳбатда мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ҳаётнинг асос ва истиқболларини белгилаб берди, шунингдек, энг долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ислон цивилизацияси марказининг ташки қўриниши ўзига хос салобат касб этиши шубҳасиз, лекин мазмун-моҳияти қандай бўлади? У фақат тарихини акс эттириб қол-масдан, муқаддас ислон дини ҳаёт дини эканини, буюк илму маърифат, олий одоб ва ахлоқ, юксак маънавият ва мада-ният, олий инсонпарварлик тамойилларини намоён эта-диган кўзгуга айланиши зарур.

Марказ учун жамланаётган кўплай бебаҳо қўлёзма ва тошбосма асарлар халқимиз ва дунё олимлари истифода этадиган ҳаёт кутубхонасига айланади, деган умиддамиз. Президентимизнинг бу борадаги даъватларини ҳар бир виждонли зиёлини тафаккур ва фаолиятга ундаши шубҳасиз.

Ислон цивилизацияси маркази Ўрта Осиёдаги, хусусан, юртимиздаги ислоний юксалишлар жараёнини тарихий даврларга бўлиб, фақат бир ўтмиш сифатида акс этти-риш билан чекланмайди, балки ҳар бир соҳа илмини му-айян даражада акс эттиради. Масалан, жаҳон ақида (эти-код ёки илми калом) мактаби, тафсиҳ, ҳадис, фикҳ ва та-саввуф мактабларининг тарихий ва замонавий жараён-лари Цивилизация маркази фаолиятида ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўларди.

Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш давр ши-орига айланди. Юртбошимиз ҳамма нарсанинг асоси илм ва маърифат бўлиши зарурлигини таъкидлаб, айниқса, имом-хатибларимиз илм ва малакасини ошириш дол-зарб вазифа эканини уқтирди. Бугун бирор ислоний ўкув даргоҳини тугатганлик ҳақидаги ҳужжат қиёфа қилмай-ди, давр билан ҳамнафас яшаш, жаҳон сиёсати ҳақиқат-ларидан хабардор бўлиш, ижтимоий тараққиёт ва та-назуллар сабабларини ўрганиш, жоҳон Ватанимиз равақига ҳар томонлама ҳисса қўиш ҳар бир зиёли-нинг фарзандлик бурчидир.

Давоми иккинчи саҳифада.

МАЪРИФИЙ АНГИЛАНИШ САРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимиз Ислон цивилизацияси марказини ташкил этишда "...халқимизнинг ижодий даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама теран ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, ...инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни инсонпарварлик ғоялари, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш" асосий мақсадлардан эканлигини таъкидлади.

Китобга ва илмий, маданий-маърифий меросга муносабат мамлакатимизда ҳамиша долзарблигини сақлаб қолади. Миллат руҳий ҳаётининг энг муҳим кўзгуси китобдир. Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг илмий ҳазинасини халқимизга етказиш билан бирга жаҳон халқларига ҳам тақдим этиш ана шу ўлмас мерос эгаларининг зиммасидадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, Диний фаолиятни тубдан яхшилаш ҳақидаги Президент қарорлари юртимиз маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш ва яхшилашга қаратилган оламшумул тадбирлардир. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи, ҳазрат Имом Бухорий номининг зикр қилиниши маънавий-маърифий соҳадига фаолиятнинг гултоғи бўлди. Диёримиздаги барча янгиланиш, ўзгариш ва ислохотлар ана шу оламшумул нутқ руҳига мувофиқдир.

Дарҳақиқат, Ислон цивилизацияси маркази биносига қўйилган тамал тоши мамлакатимиздаги янгича соғлом муҳитнинг ҳам асос-пойдевори дейишга етарлиқ асос бор. Яратган дунёнинг моддий мавжудлигини маънавий омилларга боғлиқ қилиб қўйган. Чунончи, аҳолиси бир-бирини ислоҳ қилиб турадиган мамлакатда умумий балолар дафъ бўлади, нопоқликдан сақланган халқ вабодан сақланади, муҳтожларга шафқат кўрсатиб туриладиган жойларда ёмғир сероб бўлиб, баракот бардавом бўлади, тақво асосида яшайдиган манзилларда Аллоҳ таоло осмонлар ва ердан баракот эшикларини очиб қўяди. Хадиси шариф маъносига кўра, дунёнинг собитлиги тўрт нарса: раҳбарларнинг адолати, уламоларнинг илми, бойларнинг саховати, факирларнинг дуоси биландир. Умид қиламизки, жамиятимиз ана шу тўрт нарсадан баҳра топадиган, тараққиётни манфаатли, халқи моддий ва маънавий бадавлат юксак жамиятга айланади.

Мирзо КЕНЖАБЕК,

Ўзбекистон Ислон цивилизацияси
маркази бўлим бошлиғи,
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Адиблар хийбони — муқаддас Ватанинг нафосатли боғу бўстони. Устоз Ҳамид Олимжон айтганидек: **Бунда булбул китоб ўқийди, Бунда қуртлар ипак тўқийди, Бунда ари келтиради бол, Бунда қушлар топади иқбол...**

Бугун мамлакатимизнинг чекка туман ва қишлоқларидаги адабиёт гулшанларида сайраётган булбулларнинг овози ҳам Адиблар хийбонида янграётган наволарга ҳамоянган. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг минтақавий семинари бўлиб ўтди. Етмиш нафарга яқин ёш ижодкор иштирокида Зомин семинари олдидан ўзаро мусобақа асосида бошланган бу тадбир чинакам адабиёт байрамига айланди.

Анжумани туман ҳокими Нейматулла Худойберганов очиб, ёшлар маънавиятини бойитиш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга

ташкilotлари ҳам жойлашган, бу маскан ижодкор ва санъаткор зийлилар марказига айланган. Яқинда бинога қираверишда китоб дўкони очилди. Турли тиллардаги янги адабиётлар китоб муҳлисларининг маънавий эҳтиёжини қондиришда. Нукусдаги "Илим" нашриётида буюк шоир Бердақнинг тўла асарлар тўплами қорақалпоқ тилида чоп этилди. Шоирнинг танланган асарлар тўплами ўзбек тилида ҳам босмадан чиқибди.

Минтақавий семинар

— Ибройим оға Юсуповнинг Ақчақул илҳомлари семинаридаги маҳорат сабогини тинглаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейман ҳаяжонимни яширолмай ҳамроҳим Музаффар Аҳмадга. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан

ри билан ҳам танишдилар. Шу кунни Тўрткўл марказида "Dilshodbek Diyorbek stoma" поликлиникаси очилди. Тўрткўл ва унга яқин ҳудудларда яшаётган ижодкорларга бу поликлиникада бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Устоз ижодкорлар назм, наср, адабиётшунослик, бадиий таржима ва публицистика бўйича машғулотлар ўтказишди. Қўлэмалар таҳлил этилди, бошловчи ижодкорларга зарур маслаҳатлар берилди. Бугунги адабий жараёнда рўй бераётган янгилар, адабиётнинг назарий масалалари бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. "Лочин" оромгоҳида ўтган адабий машғулот, шу ердаги ёзги амфитеатр саҳнасида ташкил этилган назм ва наво кечаси ҳам кўнгилларга шодлик бағишлади. Хоразмлик ёш ижодкор Зумрад Машарипованинг "Қорақалпоқ дўстларимга" номли

КУЛКУЛДАЙ КҮЙЛАМОҚ БҮЛИК ВАТАННИ

Нукусда барпо этилган атоқли шоир номидаги ижод мактаби, муҳташам ёдгориқ адабиётнинг абадиётга эврилганидан далолатдир. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Аҳиниёз номидаги Қорақалпоқ давлат педагогика институтиди ҳам ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Бердақ музейи ижодкорларда катта таассурот қолдирди. Қўбиз, чанқовуз, дутор, лақаи каби чолғу асбобларини, уларнинг ёнида "Қоблан", "Эдиге", "Қирқ қиз", "Шарияр", "Гўрўғли", "Алпомиш" достонларининг кўна қўлэмаларини кўриб кўз қўнайдим.

Чимбойдаги Хонмачит манзилидан топишган қора битиктошга арабий имлода 48 бандли шеър ўйиб ёзилган экан. Унда "Ўқувчининг хулқи қандай бўлса ҳам, барибир билим бериш зарур" деган қимматли сўзлар ёзилган. Билим инсон хулқини, дунёқарабини ўзгариштириш, маънавиятини юксалтиришни ажодларимиз яхши билишган.

Семинар қатнашчилари амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлар

шеъри барчага манзур бўлди. "Эсар Жайхун шамоилари", "Дамбермас", "Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг" каби ашулалар ёш қалбларда Ватанга муҳаббат туйғуларини жўштирди. Семинар якунида иштирокчиларга Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тўрткўл тумани ҳокимлигининг дипломлари, эсдалик совғалари, китоблар топширилди.

Ёш ижодкорлар анжумани таасуротлари кўнглимизда шеърга қўчди:

Тўрткўл мафтун этган оқушсини, гоши,
Эл берган Отажон ҳофиз устозини,
Булбуллар созламоқ учун овозини
Отажонни излаб келган Тўрткўлга.

Булбўлдек қўйламоқ бўлиб Ватанини,
Олса агар шоир созини қўлга,
Излаб юрмай ўзга боғу чаманини,
Учиб келар эди гўзал Тўрткўлга.

Қўлга қалам олиб бутунги ёшлар,
Шоир бўлмақ учун тушдилар йўлга.
Улар ҳам булбўлдек қўйлашни бошлар
Қўшдек учиб келиб гўзал Тўрткўлга.

Рустам МУСУРМОН

Шафраккурнинг толмас қанотлари

— Ҳозир айрим ёшлар китоб ўқиш ўрнига телефон, интернетга муккасидан кетган.

— Нимасини айтасиз? Ўғлимга китоб ўқи десам: "Ойи, китоб ўқиган билан бойиб кетаманми"? Ундан кўра, пул топадиган бирор иш қилганим яхши-ку!", дейди.

Таниш манзара, тўғрими? Аксарият хонадонларда вазиёт шундай. Аслида бу бугунги куннинг долзарб муаммоси.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси муҳбири Барно Султонованинг яқинда чоп этилган "Кутубхоналарни соғиндик" сарлавҳали мақоласида ҳам китобхонлик маданиятини оширишда кутубхоналарнинг роли ҳақида сўз юритилди. Мақолада таъкидланганидек, нафақат шаҳар, туман, балки энг чекка қишлоқ марказларида кутубхоналар ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Айтиш лозимки, Ўртобшомис томонидан китоб махсулотларини чоп этиш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини оширишга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг илмий-оммабоп, маърифий, тарбиявий, бадиий

адабиётларни чоп этиш, таълим муассасаларини китоб билан таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг сара асарларини таржима қилиш йўлидаги ишлар бироз жадаллашди. Китобхоналарни худудларга арзон нархларда етказиш, онлайн буюртма бериш, электрон китоб шаклларида фойдаланиш яхши йўлга қўйилаётди.

Китобхонлик байрамларини мен том маънода тафаккур байрами деган бўлардим. Таклифим бундай тадбирлар болаҳонларнинг ёзги таътили вақтида ҳам давом эттирилса нур устига нур бўлар эди. Ёзувчию шоирлар иштирокидаги учрашувлар ўғил, қизларимиз этиборини бадиий адабиётга тортиши табиий. Айниқса, мактаб қошида ташкил этилган ёзги оромгоҳларда



"Китобдан яхши дўст бўлмас", "Одамийлик китобга эҳтиромдан бошланади", "Китоб энг яхши совға" мавзуларида ўтказиладиган интеллектуал беллашувлар ўғил-қизларимизни китобга ошно қилиши шубҳасиз.

Фарзандларимизни мутлоага қизиқтириш учун яна нималарга эътибор бермоғимиз лозим? Аввало, ҳар биримиз уйимизда мўъжаз кутубхона ташкил қилишимиз, уни аста-секин бойитиб боришимиз даркор. Фарзандларимиз, албатта, мактаб кутубхонасига аъзо бўлишини назардан қочирмаслик лозим. Байрамлар, туғилган кунларда китоб совға қилишни анъанага айлантирайлик.

Зеро, кўнгилларни нурга, қалбларни зиёга тўлдирган китобхонликка бағишланган турли тадбирлар, уйимиздаги мўъжаз кутубхона ёшларимизнинг маънавий баркамол авлод бўлиб вояга етишишга замин ҳозирлайди. Чунки китоб тафаккурнинг толмас қанотларидир, йўлимизни, кўнглимизни мунаввар этгучи маёқдир.

Ноилахон АХМАДЖОНОВА,
Фаргона вилояти Риштон
туманидаги 1-мактаб ўқувчиси

Куюнчак газетхон мактуби

БЕШ ЮЗ СЎМЛИК «ҲАЛОВАТ» ёхуд болабездор ота-оналар

Айрим ота-оналар «Бирпасгина бориб компьютер ўйнаб кел», деб болалари қўлига пул тутишади. Афсуски, беш юз сўмга қирқ дақиқа компьютер «ўйнаган» бола у ердан нимани ўрганиб чиқаётганига эътибор бермаймиз. Ҳатто дам олиш кунлари боғча ёшидаги болаларини «компьютерхона»ларга «ташлаб» кетаётган ота-оналарда йўқ эмас. Болалар ўша жойларда нима билан машғул эканликлари нега айрим ота-оналарни ташвишга солмаяпти? Мени кўпдан буён шу изтиробли савол ўйлантиради.

«Интернет» қарийб чорак аср давомида сайёрамизни буткул қамраб олди. Кимлардир бу «тўр»дан оқилона фойдаланиб, билимини ошироқда, тадбиркорлигини кенгайтироқда, «интернет»га қарам бўлмасдан уни ўз фаолиятига хизмат қилдиришда. Яна кимлардир эса унинг «қули»га айланиб бўлди. Шу ўринда марказ жойлар ҳамда чекка маҳаллаю қишлоқларда очилган айрим «компьютерхона»лар

фаолиятига жиддий назар ташлаш зарур бўлиб турибди. Хўш, у ерда болаларимиз нима қилишади? Албатта, «ўйин» ўйнашади. Яна қанақангисидан денг? Бир-бирини «ўлдириш», нима қилиб бўлса-да «ғалаба» қозониш тамбасад қилинган ўйинлар ўйналади. Гоҳида жамоавий бўлиб компьютернинг «ўзига» қарши ўйнашади.

Бир қарашда беозор кўринган «виртуал олам»га боши билан шўнғиган, ўша виртуал олам билан воқеликни ажратишга келганда тап тортмасдан ўзи қўрган-билган «хунар»ни ишга қўлаётган кичкинтойларни кўрганимиз? Ё бўлмаса, бирор иш буюрсангиз, насихат қилсангиз, дарс тайёрлаш ҳақида гап очсангиз жиззақилиқ қилиб, ҳархаша билан «иш битириш»га ўтиб оладиган ўспирин йигит-қизларини-чи? Кўз нуруни тўкиб, ота-она ва катталардан яшириб, кўрпа ичида телефон билан тонг оттираётган болалар нега кўпайиб кетаяпти? Яқинда шундай ўйинлар ҳақида телевидениедан

кўрсатув берилди. Бундай ўйинларнинг, ҳатто катталарни ҳам даҳшатга солувчи мудҳиш оқибатлари, уни яратувчиларнинг асл мақсадлари ҳақида батафсил маълумот берилди. «Ноч» деган балои асим «тадбир»га кетиб, тонг отгунча ўша ўйинхоналарда қолиб кетаётган, ичкаридан эшикни тамбалаб, деразаларга қора парда тутиб, туниги сахарга улагувчи ўспиринлар ҳар босқини фожиага етакловчи ўйинларни ўйнамаётганига ким қафолат беради?

Гоҳида рўзғорда моддий қийинчиликлар бисёр бўлса-да «Ўртоқларидан ортда қолмасин, кўнгли ўксимасин», деб ўғил-қизимизга қиммат телефону смартфон олиб берамиз. «Фалончи боласига компьютер олиб берибди», дейишса ёки «ўртоғимнинг ўз компьютери бор, менга ҳам олиб берин», дея тантакли қилишса, жамоавий компьютерни олиб келиб, болаларнинг қўлига тутказамиз. Шу билан бўлиди... Кейин у телефон ё смартфондан, компьютердан қандай фойдаланаяпти, нималар қилаяпти, ким

билан гаплашиб, ким билан танишапти, билмаймиз. Кўпчилигимиз бу «қимматбаҳо» матоҳларни на ишлатишни, на ундаги маълумотни текширишни биламиз. Назорат издан чиқиб бораверди. Эмен ўғлимга компьютер олиб бермоқчи экан, кейин ниятимдан қайтдим. Қунига минг сўмдан бўлса ҳам бериб тураман, ўйинхонага боради, ҳар ҳолда ўртоқлари билан бирга бўлади», дея мактанда бир опамиз. Ҳали эндигина иккинчи синфга бораётган ўғлининг ўша «ўйинхона»да қандай ўйин ўйнашидан хабари йўқ. У ердаги дим ҳаво, тамаки тутуни, исқирт полдаги сигарет қолдиқлари-ю, туфлаб ташланган нос юклари, «катта» бўлиб қолган ўспиринчаларнинг компьютер билан «уришиб» шалок сўкинишлари...

Эътибор берсангиз бундай болаларнинг ранги синикроқ, боболар сўзи билан айтганда, ўн ёшга қирмай «чол» бўлиб қолгандек кўринади. Чунки улар вақтининг қўбини ана шундай дим хоналарда, захар ютиб «ўйин» ўйнаш билан ўтказишади. Компьютер ўйинларини яратувчилар ҳам анойи эмас. Ҳар қандай ўйиннинг бошланиши бироз осон бўлса, кейинги босқичларга ўтган сари мураккаблашиб боради. Бу эса мурак

болада тажаниглики оширади. Осонгина ютиб келаётиб, бирданига ютқизиб қўйгани алам қилади. «Вақти» тугагач, бошқаларнинг «ўйини»ни томоша қилади. Уйга келиб дарс тайёрлаётганида ҳам, бирор юмуш бажарётганида ҳам асосий фикри-закири ўша «ўйин»ни эртаси кунни қандай давом эттириш, қандай «ютиш»да бўлади. Ўртоқлари билан суҳбатлари асосан ўша мавзу «муҳома»сига айланади.

Мутахассислар фикрича, кўпчилик ота-оналар болалари компьютер билан «ошно» тутишиб, ҳар бир жараёни ошон ўлаштириб олишидан хурсанд. Шу боис уларга чегара қўйишмас экан. Яъни, компьютердан фойдаланишнинг ҳам ўз қонун-қоидалари борлигига эътибор беришмайди. Натижада ўша ёш «вундеркинд» тез орада бу матоҳга шу қадар қўниқиб қоладики, уни компьютердан ажратиб олиш қийин кечади. Кейинчалик турли кўз касалликлари, умуртқа поғонаси ва танадаги бузилишлар, иммунитетнинг пасайиши бу болага бир умр «йўлдош» бўлиб қолаверди.

Албатта, ҳеч бир ота-она боласидан безмайди. Шунчаки, ишдан чарчаб-ҳориб қайтган ота ўғлини «хурсанд» қилиш учун пул тутса, уй ишлари

ТАҚЛИД ОБРҮ КЕЛТИРМАЙДИ

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда "Нуроний" жамғармаси фаолларининг тўй-ҳашам ва маърака-маросимларга оид мурожаатига жавобан ёзилган Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Султонмурод Олимнинг мақоласи ("ЎзАС", 2018 йил, 16 март) менда катта таассурот қолдирди. Мақолада бугунги маънавий савиямизга ярашмаётган урф-одатларга доир барчанинг кўнглидаги фикрлар ифодаланган. Мана, рўза ойи ўтиб, тўй мавсумлари бошланиши муносабати билан ушбу масалада мен ҳам ўз мулоҳазаларимни ўртага ташлашни лозим топдим.

Аслида урф-одатлар маданиятнинг бир қисми. Одатда, юксак маданиятли халқ деганда, замон ўзгариши билан эскирган, янги замонга мос келмайдиган урф-одатлардан овоз кеча оладиган, дунё халқлари ҳавас қолдирган урф-одат, расм-русумларни ўз ҳаётига жорий этиб борадиган халқлар тушунилади.

Оилада бирор киши вафот этгудек бўлса, эски одатга кўра дошқозонда ош дамлаб, юзлаб одам қақириб эҳсон қилинишни ҳаммамиз биламиз, уларда иштирок ҳам этганмиз. Дастурхонлар ноз-неъматга тўлади — гўё таъзия эмас, тўйми деб ўйлайсиз. Бирок шунча ноз-неъмат кимга аталган? Аслида эҳсонлар камбағал, бева-бечоралар учун қилинарди-ку?! Бирок етти маҳаллани чорлаб ош берадиганларнинг улар билан асло иши йўқ. Эҳсон жойи ёхуд тўйхона атрофига эса, бири-бирдан ҳашамдор қимматбаҳо машиналар сифмайди. Келаятган одамларнинг аксари бири-бирдан олифта кийинган. Булар очми, бир лўқма таомга муҳтожми? Уларнинг айримлари ижирганиб: "Оббо, яна очми? Одамни тинчгина дам олиш-га ҳам қўймайди", деб тонг сахарлаб шаҳарнинг у чеккасида бу чеккасига йўл олишади...

Ўйлаб кўринг, яхши ниятда эҳсон учун қилинадиган тадбирларни биз нимага айлантириб қўйдик. Одатда, маънавий савияси паст кимсалар мўйам пул топса, ўзларини бошқалардан устун қилиб кўрсатиш, мен ҳам маданиятлиман, деб мактанни учун шундай тадбирларга зўр берадилар. Хўш, уларнинг аҳоли-ку маълум, лекин бошқалар-чи? Бебилиска тўй қилаётганлар қандай йўл билан пул топаётганидан бохабар ҳолда уларнинг ошига йўргалайверишнинг ўзи ҳам маданиятсизлик эмасми?

Айрим хорижий мамлакатларда бўлганимизда тўй маросимлари жуда ихчам ўтишини кузатдим. Ёшлар талаба бўлса, университет клубида, махсус салон ёки ресторанда яқин қариндош, дўст-ёрларни қақириб 50-100 кишилик тўй қилишади. Тўй, одатда, кеч соат 19:00 га тайинланади. Дастурхонга ҳўл мева, ширинлик, чой қўйилади. Миллий қўйлар қилинади, ёш қизалоқлар ўйинга тушади, катталар келин-куёвга бир даста гўл бериб табриқлайди, кейин ўтириб суҳбат қуришади. Соат 22:00 да кечки таом тортилади. Шу билан тўй тарқайди.

Биздаги келин узатиш дабдабаси, ҳатто хориждаги миллардернинг ҳам ҳаёлига келмаса керак. Келин сарпоси, мебеллар, баъзи хонадонларда катта устакча қуриб, келин томонга унинг ҳамма жиҳозларини юклаши, телевизор, кир ювгичдан тортиб қуёв болага янги машинага олиб бериш дунёнинг бирор мамлакатидега ўчрамаса керак. Ҳозир келин-куёв аксарият ҳолларда ўқийди. Уларнинг ўқий харажати, кийим-кечаги, еиши-ичиши ота-она зиммасида. Ота-она буларни таъминлашга қодир бўлмаса-чи?! Ҳамма оила ҳам бундай ортиқча харажатларга қодир эмас-ку!

Бизда тақлид кучли, биров қизини узатиб дабдабали тўй қилса, уни кўрган бошқалар ҳам қўлидан келса-келмаса шунга уринади. Бундай тақлидлар оқибатда бахт-иқболга эмас, уруш-жанжал, оилалар бузилишига олиб келаятгани, ахир, ҳеч кимга сир эмас-ку. Энг ёмони, ёшларни боқимандаликка, текинхўрликка, ишқмасликка, молпарастликка ўргатиб қўйгипмиз ва бу маънавий қашшоқликка олиб келаяпти.

Биз, албатта, бу ишларни таразига солиб ўйлаб қўришга, ҳамма учун мақбул, ҳамма кўриб ҳавас қиладиган урф-одатларни жорий этишга бурчимиз. Алишер Навоий ҳазратлари:

Табиятга ҳар неки одат ўлар,
Чу вақт ўтгай одат табият ўлар —

деб ўғит берадилар. Дарҳақиқат, ҳамма урф-одатларни ҳам юксак миллий қадрият деб бўлмайдик. Вақт ўтиши билан баъзи одатларимиз эскиради, замон талабига жавоб бермай қолади. Қўпбал муслмон давлатларида оилада кимдир вафот этса, фотиҳа уч кун масжидда ўтказилади. Ош дамлаб эҳсон қилиш у ёқда турсин, ҳатто келганларга чой ҳам тақлиф қилинмайди. Вафот этганларни эслаб, нимаики маросим бўлса, уйда ўз яқинлари билан ўтказилади. Биздаги исрофгарчилик, ҳўжа кўрсинга "Сендан мен каммани?" қабилида кимўзарга ош беришлар шариатга ҳам асло тўғри келмайди.

Замонга мос келмайдиган урф-одатлар масаласида бир-галикда, ўзаро кенгашиб, маҳалла-қўй розилиги билан иш тутиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳмадкул ҚУРОНБЕКОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини профессори

билан андармон она «тинчгина юмушини бажариб олиш» учун пул беради. 500 сўмга 40 дақиқа «вақт»ни «сотиб» олишдай кўринган бу жараён эса, энди ўсиб келаятган боланинг баркамоллигига таҳдид солавереди...

Келинг, уларни қир-адирларда ҳел бўлмаса бир соат чиллақ, «етти тош», «қувлашмачок» ўйнашга, тўп тепишга «ҳайдайлик». Мусаффо тоза ҳаводан баҳра олиб, танаси яйраб, ўпкасидаги дим хоналарда тўпланган заққумлар чиқиб кетсин. Ўзига қон югурсин, кўзларида завок ўти порласин. Ахир, ҳар нарсдада меъёру мезон бўлмоғи керак эмасми?! Тушгача мактабда бўлиб, уйга қайтган, бирор соат тушлик қиладими, йўқми яна ўйинхонага югурса, кечқурун телевизорнинг тағига кириб кетгудай бўлиб ярим кечагача яна экранга тикилса, муштдеккина мияси қачон дам олади?

Мулоҳазаларимиз кимгадир оғирроқ ботган бўлса-ю, кимларнингдир дилининг бир чеккасидан ўтиб турган фикрлар бўлса, демак, мақсадга бир қадар эришибмиз. Аммо бу мавзу шу билан тугамайди.

Нилуфар МУСУРМОНОВА
Зомин тумани

Абдусайд КҶЧИМОВ



Ватан

Ватан нимадир, деб сўрайсан, ажаб...
Таърифлаб бўлганим она сутини?
Жавоб қилдирмагин кўкка мўлтираб,
Ватан осмонларда ётмас беркинниб.
Бир парча ҳовлигини ифорга кўмиб,
Бир парча ҳовлигини яшнатиб бешан —
Саҳарда сеҳрли ўйларга чўмиб,
Гуркираб тургучи райҳонинг — Ватан.
Ишқомда маржондай ялтираб ял-ял,
Ҳусайни лабидан томган болдир у.
Зангори соҳилда келинчак мисол,
Сузилиб тургучи мажнунголдир у.
Нозик новдаларни ойналаб турган,
Номозиом гулнинг кўзи ҳам Ватан.
Ёлғиз саксовулнинг томири синган,
Ялангтўш чўлларнинг тузи ҳам Ватан.
Далангда барқ уриб ўсган ҳар гиёҳ,
Ҳар эрка майсанинг нозилдир у,
Танбур навосидан чиққан маҳзун оҳ,
Ғанижон Тошматнинг созиладир у.
Сира кўрганмисан, қуёш ботар чоғ,
Алвонга бўялар жилғалар ранги.
Аломат говурга кўмилар қишлоқ,
Димокни қитиқлар поданинг чағни.
Икки қоп сомони эшакка ортиб,
Ангардан қайтади отанг пиёда.
Зумда дастурхонга киради тартиб,
Ширин жаранглайди чойнак-пиёда.
Мусича солгадир айвонингта қўшқ,
Балки, қалдирғоч ҳам қўрган қошона.

САМОВИЙ СУРУР

Қушчалар ҳар саҳар қуйлаган қўшиқ,
Ватандир муқаллас, мумтоз, ягона.
Яқинроқ кўрмоқни истасанг, яна,
Йўнғичқа гулгига юзларингни бос.
Осмонга тикилиб ётсанг жимгина,
Ватан кўкрагингда гулдайди қийос.
Ё, ярим кечада, маводан тушиб,
Томла ёнбошлаган юлдузларни кўр,
Юрагинг дарёдай кетмасми жўшиб,
Ватандир шу туйғу — самовий сурур.
Ватан нимадир, деб сўрама, иним...

Дуо

Дўстинг кўн бўлсин, деб қиларди дуо,
Болалик чоғимда, эркалаб бобом.
Чиндан-да, дўстларим мўл бўлди, аммо
Улардан садоқат кўрдим камдан-кам.

Бугун кўп дўстлардан кўнгил заха еб,
Чўмилиб пушаймон — жолаларимга;
Дўст битта бўлса ҳам, содиқ бўлсин деб,
Дуолар қиламан болаларимга.

Ўқолган инжу

Тергаб, қойдилар болани бот-бот,
Бўйи ўсган сайин, журъати сўнди.
Фикрлаш туйғуси бўлиб буткул ёт,
Катталар не деса, мусаллам — кўнди.
Акалар сўзига берди жонкулоқ,
Кимсалар юзига шитоб боқмади,
Илкис пайло бўлса шубҳа ё сўроқ,
Ҳамиша ҳалимлик йўлини ёқлади.
Қўндай беозор, қиздай мулойим,
Сувдай майин бўлиб етди воёга.
Дуч келган зот борки, эгилди доим,
Салом бераверди, ҳатто сояга.
Тушли олаҳуржун елкага бир кун,
Сўнди ҳомийларнинг шамсу тальяти.
Энди эл қатори яшашга маҳкум,
Аммо яшамокқа етмас журъати.
Баланд дор устида лангари синиб,
Ҳавода муаллақ қолгандек дорбоз,
Чорраҳада турар кўзлари тиниб,
Кимдан оларини билолмай андоз.

Таъна-дашномлардан жони сарингун,
Шикаста жисмида афсус, тазарруъ.
Қўрқоқлик балоси мисли оч қузғун,
Бешиб юракка ташлайди оғу.
Умидлар ёрилар бамисли ҳубоб,
Шарардан асар йўқ мажруҳ сўзларда.
Қуёш чехрасига торгандек ҳижоб,
Мўлтираб термулар хира изларга.
Журъат қилдиради — ўйларни чигал,
Олма-кесак терган кўзлари билан.
Афсус, бу инжун тарбиячилар,
Олиб кетган эди ўзлари билан.

Кўкна ўғит

Одам деган, одамга,
Яхшилик қилмоқ керак,
Фақат... Кимга яхшилик,
Қилмоқни билмоқ керак.
Яхшилик ҳам бўз ерга
Экиланг навиҳолдир,
Эккан ҳар туп ниҳолнинг
Гуркираб унмоқ керак.
Зарангта доп-дун сепиб,
Армонда куйганлар кўп,
У ерларни, аввало,
Шулдорлаб, тилмоқ керак.
Билса холиқ, билмаса
Балиқ билади, деган
Солдадиллар устидан
Мирқиёб қулмоқ керак.
Яхшиликка ёмонлик
Соғингучи зотлар кўп,
Бундай кимсалар сочин
Битталаб юлмоқ керак.
Дўстман, деб ишончингни
Талаган касдан эса,
Илондан қочган қушдай,
Олисга жилмоқ керак.
Тариқдайин савобни
Тоғ, деганлар томонга,
Дарёдай тўлиб-тошиб,
Шамолдай елмоқ керак.
Умр нозик мезондир,
Чирт-чирт узилмай туриб,
Яхшилар қаватида
Қир каби турмоқ керак.

Яхшилик ҳам қуёшдир —
Ёғду сочар дилларга,
Бу ҳикматни юракка,
Тумордек илмоқ керак
Ҳамда, бобо қуёшдан
Ҳамиша олиб улгу,
Яхшилик деб аталган
Юрт сари юрмоқ керак.
Қиссадан ҳисса ўша:
Яхшилик қилмоқ керак,
Фақат...
Кимга яхшилик
Қилмоқни билмоқ керак.

Бу ҳали ҳақиқат

Дўстинг кимлигига изоҳ шарт эмас,
Улар обод қилгай бахт кўрғонини.
Тарихда мисоллар кўпдир, ҳар нафас —
Дўстлар дўстлар учун тиккан жонини.

Ғанимлар ортингдан кўтарса ғавро,
Ҳақиқий жўралар кўргазур шафқат.
Дўстман, деб юрганнинг барига, аммо
Ишониб бўлмайди — бу ҳам ҳақиқат.

Бошқа гап

Яхшилик қил, дея қилгай насиҳат,
Устоз — шогирдгаю ота — фарзандга.
Ҳатто ўғриллар ҳам тоғанда фурсат,
Ушбу калимага кўюрлар танда.

Илло, панд-насиҳат инсонга мерос,
Момо Ҳаводану Одам Атодан.
Табаррук ўғитга ким қўйса ихлос,
Оллоҳ асрагайдир қуфру хатодан.

Насихатчиларнинг аксари, аммо
Зимдан бир-бирига санчулар тикан.
Минг афсус, насихаттўйлик бошқаю,
Унга амал қилмоқ бошқа гап экан.

Қисмат ўқларини

Тоғлар эсга солур музаффар, ўқтам,
Ёвқур буюқларнинг буюқларини.
Асраб қололмайди аммо тоғлар ҳам
Қисмат ўқларидан кийикларини.

«Устоз»

Устозлик даявоси ул зотга байроқ,
Баланд ҳилпиратар «шогирд» сўзини.
Толибим, дейдилар кўрганини, бироқ
«Устоз» демас ҳеч ким унинг ўзини.

Ўта калитар
бўлсанг...

Кибрига ҳасратдир дунё,
Камтар бўлсанг, бахтга еттайсан.
Ўта камтар бўлсанг ҳам, аммо
Оёқости бўлиб кеттайсан.

Аламкашлар

— Нукул бир-бирларин қилурлар игво,
Устоз, булар қандай қаламкашлардир?
— Иним, ундайларга қилма кўп парво,
Улар қаламкашмас, аламкашлардир.

Камта шоир

Замонавий бу ҳикмат
Шоирларга доирдир:
Ким экранга кўп чиқса,
Шу энг катта шоирдир.

Мақтов

Мақтов — чўққидаги эрка гулдайин,
Дили ром, кўзларини шайдо қилади.
Аммо у қанчалар яшнаган сайин,
Шунча ҳасадўйини пайдо қилади.

Асар...

Азим шаҳарларда шохдирсан, магар
Босган ҳар қаламинг чамандир, гулдир;
Обруйинг бўлмаса қишлоғингда гар,
Шону шавкатингнинг бари бир пулдир.

Кишлоқ чеккасидаги уйнинг
Кирови Бойқобилбойники, би-
рови Абрайбойники, икки ҳамсоя би-
рови марта ҳам сен-менга боришмаган,
кенг адидада ўз билганича яшаб ётиб-
ди. Абрай муаллим ҳамсоясининг уйи
олдидан ўтиб қишлоқдаги мактабга
катнайди. Бойқобилбой ҳам селганинг
нариги бетидидаги далага қатнаши учун
ҳамсоя уйи олдида юради. У тайинли
бир иш қиладимми, йўқми, билмадим-
ку, лекин Худонинг берган куни эша-
гини "их-их"лаб эрталабдан далага
жўнайди: қишин-ёзин елкасидан чопо-
ни, бошидан ийги қиқан телпаги туш-
майди. Худди дарс жадвалидагидек,
орадан чорак соат ўтиб ота изидан
тўнғичи Тиркаш йўлга чиқади. Тиркаш
ҳам далада ишлайди: ўзи қорувлиги-
на, лекин ақл билан эмас, билак кучи
билан иш қиладимми, тез-тез кийими
чокидан сўтилганига кўзингиз тушади.
Айикдек гавда-куч бўлгани билан ўлар-
дек гўл, мўмин-қобил йиғит. Энди уй-
ланган кезлари уст-бошида озгина
ўзгариш бўлди-ю аста-секин яна эски
холига қайтди. Бойқобилбой отасидан
қолган айвонли лойтом уйда яшаб ке-
ляпти. Лекин келин олиш арафасида
яна икки хонали том солишди. Эски ва
янги томинг ўртасида бир ярим хо-
налик, йўғ-э, бир хонаси бостирма
шаклидаги ошхонаси бор, лойсувоқ
қилинган, тўй олди қайта оқланган,
тандир-ўчоғи ҳам ошхонага тиркалган.
Иккита болали ситир ва ўн чоғли кўй
томорқа билан ҳовли орасида кес-кес-
лаб юради. Кўра олдидида узун тортил-
ган симга болланган қопаноти бе-
гона одамнинг қорасини кўриши билан
ҳобоблаб ўзини отади. Қопқирлигидан
уни ҳечам занжирдан бўшатишмайди.

Бойқобилбойнинг хотини Қизларби-
бишнинг уст-боши, ахироғи, белидан
туширмайдиган фартугида доимо юқ
юради: томорқанинг иши ҳам, моллар-
га қараш, бир гала товукча дон сочш,
ўчоқ-тандир — ҳаммасига югургилай-
ди, қисқаси, тинмайди. Оёғи каби тили
ҳам тинмас. Келин олғач, ўша юмуш-
ларни икки кишиллашиб бажаришга туш-
ди, аммо Қизларбибишнинг югургила-
ши камаймади. Оилада тўрт фарзанд,
ҳаммаси ўғил: бири коллежга, иккита-
си мактабга қатнайди. Тиркаш эса да-
лага. Онасининг юкини енгил қилмаса
ҳам, мактабдан қайтган кичиклари ҳам
уй ишларига қўл солишади.

Шундай яшайдан ҳаммалари мам-
нун, аммо келин ундаймас, бу мухитга
моллашиб кетганича йўқ. Нималардир
қилмоқчи бўлади-ю, аммо ҳозирча чоғи
кемайди.

Бойқобилбой ишга кетар чоғи ҳам-
соясига дуч келиб қолса, эшакдан туш-

май бир майдон гурунг беради.

— Ҳорманг, ҳамсоя, малимлик ҳам
осон ишмас, мияни чолоб қилади.
Жойи келса, ўз болангнинг қий-чуви-
га чидаёлмай кетасан одам. Лекин сизга
қойилман. Барибир, малимга қийин,
— дейди бош ирғаб, лекин қўл бериб
қўришмайди. Тортинади, эшакли... —
Майли, ҳамсоя, энди ишга бораёйлик,
— деб ўтиб кетаверади.

Бир куни Бойқобилбой пиёдалаб му-
аллимни қақриб келди. Тортинмай қўл
бериб кўришди, аммо муаллим шунча
қистаса ҳам уйга кирмади.

Холмуҳаммад КАРИМИЙ



— Бир маслаҳат сўраб келдим, —
деди катта иш бошлаган одамдек. —
Шу дейман, инингизни қайноғалари
Россияга ишга қақрибди. Тайинли иш
бор эмиш. Борсам, бормасам? Нима
дейсиз? Биз бир авом бўлсак, яхши-
ёмоннинг фарқида бормасак.

Бойқобилбой гапнинг дангалини
айтди-ю, ҳамсоясининг озига маҳтал
тушгандек анграйиб қолди. Нима дей-
ди? Эрта бир кун пул-мул топиб кел-
са-ку ҳўб-хўб, шумшайиб йўл харжига
қуйиб ўтирса, тўғри маслаҳат бермаб-
сиз-да, деб чин кўнгилдан оғринади.
Муаллим гарангсиз қолди. Бирор йўл-
йўриқ бермаса ҳам домангир бўлиши
нақ, Гўдак боладек мўлтираб турибди.
— Ҳамсоя, улингиз шу ерда ишлай
берса бўлмайдимми? — деди муаллим
чайналиб нима дейишни билмаганидан.

— Келин қистаяптими, билмадим,
лекин боласи тушмагур кетаман деб
оёқ тираб олган.

— Ойликка қаноат қилмайди денг-
а. Бўзбола тенқурларига қизикаётган-
дир. Беринг кўлига пулни босиб ётган-
ди, — деди муаллим кулмасираб, ёзаят-
дан чиқиш учун гапнинг равишини ҳам-
соясининг ўзига бурди. — Канда қил-
май қатнайсиз-ку, ота-бола қўшса,
оламжаҳон бўлар.

— Бўлади, бўлади кифоя. Нақ олмай-
миз-у, лекин кун ўтиб турибди. Нима
дейсан-қўясан, билмай қолдим-а,
иним-эй. Болаларнинг ичи тор, беса-
бур бўлиб кетган бари, — дея бети буриш-
ган қўйи яна тикилиб турди.

— Ие-ие, — деди муаллим жигилдо-
ни қайнагандек афти тиришиб, — ҳали
шундай денг-а.

— Сомон пайти сомон беради. Ўтин
пайти ўтин беради. Ғалланинг жойи-
дан ер беради. Мой-чой дегандек,
харна улуш бор, — ачиниш билан ту-
шунтира кетди. — Ҳозир бир қачка ўтин

Холмуҳаммад КАРИМИЙ



палон пул. Берган ойлиги нима бўлар-
ди? Яна шуларни сотиб олардик-да.
Барибир, икки ўн беш — бир ўттиз,
иним. Пул бўлдинг, кул бўлдинг деган
гап.

— Бунча нарса оларкансиз, жуда
биноийи. Ҳалолнингиз бўлсансиз, — деган-
ча муаллим ҳамсоясининг
гапини маъқуллаб, ўйла-
ниб қолди. Йўл-йўриқ бер-
маса бўлмайди. Муаллим астойдил
киришиб кетди.

— Қайноғалари дали-ғулими ўзи?
— Қудамиз тилладек одам, лекин
болалари билан ҳеч гапзана бўлмаган-
ман. Ёшларни ким билади дейсиз.

— Қудангиз нима дейди?
— Қуда нима дерди? Муштирапини
ўйлаб, борсин дейди-да.

Отага эргашиб бундай юргандан
кўра боргани маъқул. Улар ҳам ўртада
жигари бор, йиғитни сарсон қилмас,
деб муаллим ҳаёлидан бир-бир ўтказ-
ди. Лекин сирдан баҳо бериш қийин.
Бу томони ҳам бор.

— Ҳамсоя, яхшиси, бундай қилинг,
— деди муаллим, калласига келиб қол-
ган фикрдан шодлиниб кўларини иш-
қалади. — Сиз қудангизнига бординг.
Кейин кўзингизча қудангизни болала-
ри билан телефонлаштиринг. Агар дал
гапирса, ундан кейин жўнатаверасиз.

Маъқулми гапим?

— Э яшанг, отангизга балли. Бари-
бир, китоб кўрган одамнинг мияси
тиник бўлади-да, — деди бирдан юзи
ёришиб, кейин ўрик чайнагандек лун-
жини булқиллаб бироз турди. Мин-
натдорлик билан хиёл энгашиб, —
авомнинг шўри қурсин, сал нарасага кўр
ҳассасини йўқотгандек довдираб қола-
миз. Барака топинг, иним, барака то-
пинг. Сиз айтгандек қиламан.



Бойқобилбой ҳам тасдиқ маъноси-
да бош ирғади.

— Шундайми? Э-ҳа... — деди муал-
лим пешонаси тиришган қўйи бош чай-
қар экан. — Ҳали бу томони ҳам бор
денг. Чатоқ бўпти, чатоқ.

Бойқобилбой ҳам тасдиқ маъноси-
да бош ирғади.

— Шундайми? Э-ҳа... — деди муал-
лим пешонаси тиришган қўйи бош чай-
қар экан. — Ҳали бу томони ҳам бор
денг. Чатоқ бўпти, чатоқ.

дастурхонда ўтириб озгина қуруқ чўп
билан суртганининг уриб тишини син-
дириш керак.

— Ундай деманг, иним, ош бўлсин,
чин кўнгилдан дастурхон ёздиқ, — дер
экан мақтовларга эътибор бермаган-
дек кўринган Бойқобилбой сал энга-
шиб паст товушда. — Нимасини айта-
сиз, бу пул деганлари ёмон бўларкан-
эй, иним, биз галдираб қолдик: ҳали
уни оламиз, ҳали бунини оламиз деб
бола-чақа бир-биридан ўпкалашиб
ётибди. Бир томонга бошқаролмаган-
дан сўнг топган баҳонам иш бўлди.
Ишинг бориға ҳам худого шукр қилиб
жўнайвердим.

— Шундайми? Э-ҳа... — деди муал-
лим пешонаси тиришган қўйи бош чай-
қар экан. — Ҳали бу томони ҳам бор
денг. Чатоқ бўпти, чатоқ.

Бойқобилбой ҳам тасдиқ маъноси-
да бош ирғади.

— Аввал пулнинг чўғига қаранг,
болаларингизга маъқул келса, зах бос-
ган томда ўтирманг-да, томни янги-
ланг, алмисокдан қолган томда хундай-
май, — деб муаллим қўшнисига монанд
энгашганча мийиғида жилмайди.

Шу билан ҳамсоялар ўз ишларига
жўнади. Шу кундан бошлаб Бойқобил-
бой эшагини тўхатмай бош ирғаби-
на ўтадиган бўлди. Нимадандир оғрин-
ган кўринади. Ҳа, охириги марта қўриш-
ганлариди. Муаллимнинг гаплари унча
ёқмаганди. Гўёки муаллим мазаҳлаган-
дек туюлди. Пул бор экан, кўракка
шамол тегсин, ҳамсоя, бир «от» олинг
демади. Қайтамга, том солинг деб
одамни хайиктиради, деган ўйда хаффа
бўлди. Худого шукр, бир эмас, икки том
бўлса, муаллимнинг ҳам илон тили бор
экан. Афсус, муаллимни ичи тоза одам
деб юрган эканман. Суф-э. Қирқ ичи
бирга ўтирсанг ҳам одамзоднинг йили
ни билиб бўлмас экан. Ўйлаиб қолга-
нида-ку, ичим бир чимилладиёв. Пул-
ли йўқ пайти, қанчон қарама, жон қуй-
дириб маслаҳат берадир. Бу пули қури-
син аввали, унинг шамоли теккан одам
ҳам ғаламисликка ўтади-я. Шундай
хаёллар билан Бойқобилбой муаллим-
дан кўнгли қолди.

Бир куни муаллим ишдан қайтаётиб
ҳамсоясиникида тўрт-беш беғона
одамга кўзи тушди. Томнинг соясига
бири сариқ, бири оқ иккита «Нексия»
турарди. Қайноғалари сафардан кел-
ган бўлса, оша қачиргандир деган
хаёлга борди. Қизиги, эртаси куни оқ
машина кўринмади, лекин сариғи жо-
йда турибди: устига гилам ёпилиб-
ди. Кечга бориб энди бор эски-туски:
гилам-кигиз, ҳатто эшакнинг эски жа-
будуғича машинага ёпилибди.

Эртаси куни ишга кетаётган

Бойқобилбой атай муаллим томон
эшагини бурди.

— Ҳамсоя, қулиқ бўлсин қилаве-
ринг, «от» олдиқ, — деди у озгина қуло-
ғида. Муаллимни ичқора ҳисоблаб,
бир мот қилиб қўйиш учун роса яйраб
гапирди. — Бола-чақа билан гапни бир
жойга қўйдиқ. Биз ҳам энга қўшлай-
лик деган мақсадда гижинглаган тул-
порни эшикка қантардик.

Муаллим эса не дерини билмай ан-
райиб қолди. Рўпарасида ўшшайиб
турган ҳамсоясига тикилганча зарда
кулги қилди:

— Меҳмон нимага кетмайди десам,
отнинг эгаси ўзим денг. Қуллук бўлсин,
тўйларга мининг.

— Тилингизга бол, ҳамсоя, айтганин-
гиз келсин, — деб Бойқобилбой иржай-
иб, бошини лиқиллатиб-лиқиллатиб
олди. Аммо ичидан зил кетди. Ўйла-
нидек бўлиб қикди-я, машинани эшит-
ган муаллим довдираб қолгани алай-
на кўриниб қолди. Муаллим қитмир-
лик қилган бўлса ўзига, унга ўчашиб
ўтирмаслиқни ўйлади. Ёмон билан тенг
бўлиб ўтираманми деганча дили бир
яйради.

— Ҳамсоя, кечга бизникига ўтасиз,
кўнгилга яқин тўрт-бештани қақирган-
миз. Дов-доска қилиб ўтирмадик, би-
ров билиб-биров билмай қолсин, ния-
тимиз ҳамсоя-қўнғишдан бир дуо олиш.
Кечикмай ўтинг, — дея тайинлар экан
Бойқобилбой ич-ичидан мамнун, ҳам-
сояси билан очилиб гурунглашди. Иш
вақтини билиш учун соатига қараган-
дек кўтарилиб келаётган қўшга бир қур
назар солиб, шоша-пиша ҳўшлашиб,
гайрат билан тақимини тез-тез ирға-
ганча, «их-их»лаб жўнаб қолди.


Муаллим ҳамсоясининг ортидан ла-
бини бурганча қолаверди.

Кечқурунги зиёфатда машинанинг
туришидан ҳайрон қолганларга Бой-
қобилбой яйраб-қулиб гапирга кетди.
— Ҳозирча «от»ни якка мих қилиб
қўйдик. Бир улимизни ҳам техникага
уқуви йўқ денг, рўлга ўтиришдан кўржа-
ди бари, мен бўлсам от минган одам
эмасман. Барибир кўрар кўзга яхши-
да. Тўғрими ҳамсоя? — деди у атай му-
аллимга теғизиб.

Меҳмонлар қулишиб-қулишиб,
зиёфатдан кейин дуони қуюқ қилиб
тарқалишди.

Сафардан қайтиб келиб, машинали
бўлган Тиркаш ҳам бир-икки ҳафта
уйда ивирсиди-да, яна далага пиёда
жўнади. Аввалгидек эски тос, ота-бола
ўша-ўша, ортинга-кейин қатнашади.
Аммо энди уларнинг девор урилмаган
кенг ҳовлисида жабдуқланган машина
салобат билан «кўрар кўзга яхши»
бўлиб турарди.

Одил ЁҚУБОВ

АДОЛАТ
МАНЗИЛИ

Инсон имон ва адолат билан тирик. Адолатни эътиқодга айлантирган, адолат йўл-йўриқлари, қонун-қоидаларига амал қилиб яшаган, адолат учун курашган ҳар бир одам икки дунё саодатига мушарраф бўлади. Бу ўлмас ва абадий мавзунини озми-кўпми асарларимда акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Камина учун ҳамиша азиз ва қадрли бўлган,

ёзган барча асарларимни адолат мезонлари билан қўллаб-қувватлаб ва баҳолаб келган ўқувчиларим, Сизга чин дилдан бежиз қуйиб-ёниб сўзлаётганим йўқ. Билиб қўйинглар, адолат ниҳоятда улуг инсоний фазилат ва ўлмас туйғу. Адолат ва адолатпарварлик ҳақида ёзиш эса жуда-жуда оғир вазифа ҳамда вижодан иши. Мен Худойимнинг адолатига ва ҳақиқатига ишониб ёзим ва яшадим.

Ёзганларим ва куйиниб айтган нутқ ва маърузаларим тўғрисида кўп бора адолатсизликка дуч келганман. Лекин шундай оғир дамларда ҳам адолатга астойдил суянганман. Баъзида оёғим тойган пайтлар бўлган...

Сабоқ

Бир ҳақиқатни айтиб қўй, адабиётда битта ва ягона адолат бор, у ҳам бўлса юксак истёвдод билан, ҳа, фақат истёвдод билан ёзилган яхши асаргина ижодкорни машҳур қилади. Афсус-надоматлар бўлсинки, адабиёт деб аталмиш кўтлуг даргоҳда истёвдодсизлар тўдасини кўпроқ кўрдим. Бундайлар яхши асарлар ёзиш ўрнига нуқул таллантларнинг йўлига гов бўлиш, уларни турли ёвуз услублар билан бадном қилиш учун оворалар. Уларнинг ёзганларини биров билмайди, ўқимайди, аммо уларда даво баланд, гуруҳ-гуруҳ бўлиб гоҳ муқофот, гоҳ мансаб талашадилар.

Камина баъзида адолатни ёзиб-ёзиб, ўзим адолатга зор ўтганим ҳам, адолат ҳақида қуйлаб-қуйлаб, сўйлаб-сўйлаб, охир-оқибат адолатга хор бўлганим ҳам бор ҳақиқат.

Адолат ҳақида гапирга туриб, атрофимда сидир бўлган айрим адолатсизликларни эсламасам, адолатдан бўлмас. Ҳаёт қизиқ экан: гоҳ шогирд, гоҳ ўка, гоҳ дўст бўлиб сенга интилганлар, дастурхонингдан нон-тузингни еганларнинг ҳаммаси ҳам адолатли бўлиб чиқмас экан. Афсус, улар сен каби адолат томонида қатъий турмас экан. Нима қилай; каминанинг атрофида ҳам шундай такаббур ва олғир кимсалар борлигини вақт ўтганидан сўнг, яъни лавозимлардан, депутатлик ва мансаб курсиларидан кетганимдан сўнг уларнинг кимлиги аён бўлган. Бу ишлар каминанинг андак соддалиги, ишонувчанлиги ва ҳаммага бирдек адолат кўзи билан қараганлигидан бўлса керак! Ахир, мен ҳам хом сут эмган оддий бир бандаман-да! Лекин бундай воқеа-ходисалар ҳар қандай ишонувчан, содда одам боласининг бошига тушиши табиий ҳол. Адолатсиз тўдалардан кутулиб кетиш осон эмас экан...

Оллоҳ берган қаламимни, истёвдодимни кўпроқ адолат мавзусига бағишлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Адолат — менинг жондан азиз — сеvimли мавзуним. У мендан мерос бўлиб қоладиган асарларимда ҳамиша сас-садо бериб туришига ишонаман. Аввало, улар одамларни адолатга чорлайди, адолатли бўлишга, адолат мезонлари билан яшашга даъват этади, деб умид қиламан.

Мен учун энг катта адолат бу — Ватанимнинг мустақил ва Халқимнинг озод бўлгани. Бундан зиёда Буюк Адолат борми?!

Камолитдин Абуаҳмад Муҳаммад Масъуд Хўжандий 1318 йил Хўжандда таваллуд толган. Унинг оиласи тасаввуф аҳлидан эканлиги адабий муаррихлар томонидан кўп қайд этилган. Буюк мутафаккир, файласуф, лирик шоирнинг ижодида тасаввуф торлари оҳанглари жаранглаб туради. Аммо бу тасаввуф таркидунёчиликдан иборат бўлмай, маиший ҳаёт билан узвий боғлиқ, чин инсоний ҳис-туйғулардан иборат эканлиги диққатга сазовордир. Камол Хўжандий ғазаллари мутлоасига шўнғир экансиз, унинг ҳис-ҳаяжони асрлар оша ёзилган байтларининг жонбахш таровати яқинлик касб этиб, сездирмасдан қалбингизга кириб боради, сизни ром этади. Шунда беихтиёр Абдурахмон Жомийнинг “Хўжа Ҳофизга нисбатан Шайх Камол Хўжандий лафзи шириндир”, деган эътирофи ёдингизга келади.

Камол Хўжандийда Саъдий Шерозийнинг устозлик нафаси сезилиб туради. У деярли Ҳофиз Шерозий билан бир даврда яшаган, уч-тўрт баҳор дунёга аввалроқ келиб, тўрт-беш баҳор кейинроқ оламдан кўз юмган.

Ҳофиз Шерозий ва Камол Хўжандий бир-бирларини ўқимаган, билмаган бўлишлари мумкин. Чунки улар яшаган давр шароитида маълумот тарқалиши имкони суст, машҳурлик ва қадрланиш даҳолар вафотидан сўнг авж олган.

Камол Хўжандий ўта назокатли ориф суҳандон бўлган. У Самарқанд шаҳрида яшаганда жуда иззат-эҳтиромда бўлган.

Сўнгроқ шоир Самарқандни тарк этиб, бир муддат Тошкентда яшайди. Айтишларига қараганда Шайх Убайдуллоҳ Хожа амрига биноан шоир

Халқаро анжуман олдидан

Шошда мақом тутгандир. Бу ҳақда аниқ маълумот йўқ.

Шайх Камол Каъбага ҳаж зиёратига бориш учун Хоразм орқали отлангани: “Менки Хоразмни олдим

Буюк қайласуф,
лирик шоир

ғариб сўзларим билан, На эрур майли Ироку хаваси Табрэзим” деган байти мазмунидан англашилади. Хоразмда бир муддат яшаб, шоир сафарга отланиб, йўлини давом эттириб, Табрэзга бориб қолади. Табрэз иқлими шоирга ёқиб қолади ва у манзилда бир муддат истикомат қилган, Султон Хусайн Жалойирий унинг зиёратига келиб, Волиёниҳуда унга бог барпо этиб, қўшқ курдир беради:

Гар гўшае қуриб берса
Султон Хусайн менга,
Шаҳр қалбида кимса қилмас
Менга низоо.
Бомутрибони хушгўй ҳар
Субҳу шом бўлгай,
“Хусайний” гўшасида
“Ушшоқ”қа самое.

Камол ХЎЖАНДИЙ

Ғазаллар

Кўз агар бундоғу қошу ғамза ишва нозанин,
Алвидо эй зўҳду тақво, алдироқ эй ақлу дин.
Кипригидан ўқ отарсан қошларинг эгик камон,
Ўлдиарсан гоҳ у янглиғ, гоҳ бу хил мусулминин.
Эшингидга бахт сени билсанг менга хизмат қилиш,
Сидқу ихлос бирла бўлгайман ғуломи камтарин.
Гар пари айтса қоларман сен билан деб ранжима,
Беадабур ул одам сўз айтмасга гар инчунин.
Кеча озроқ юзларингдан пардани очгон эдинг,
Кўрди осмон ойн сочили сенга ўз шамъи нурин.
Гар дилимдан ранжисанг ул жой қоронғу тор деб,
Кўзларим равшан макон, ўрнаш анга бундан кейин.
Кам яра қалбига озор бер, Камолни энди сен,
Ҳар не дилда бор эди айтдим, билурсан моҳжабин!

Йўли равшан кўринган бу эрур орзули бир дунё,
Етиб дарё лабига ташналаб ўлсакки вовайло.
Қуёшдан ғайри иссиқни кишики фарқ этолмайду,
Дило, маъзур туттилким у ожиз, кўзи нобино.

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ ЙЎҚ

Бугун юртимизда китобхонлиқни оммалаштириш мақсадида аҳоли қатламларини мутлоага жалб қилиш, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини китоб билан бойитиш, мусобақа, викторина каби кичик доираларда ўтказиладиган тадбирларни катта давраларга кўчириш лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳам ҳар кун миңлаб китобхонлар маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ташриф буюрадилар. Излаган манбаларини топиб беришда, китобхонларга кўнгилли хизмат кўрсатишда кутубхона ходимларининг

катта хизмати бор. Йил бошидан буён олтимиш уч миңдан ошмиш китобхонага хизмат кўрсатилди. Ўқув залларида ташриф буюрувчилар учун барча шароитлар яратилган, электрон ва босма манбаларни излаб топиш учун қўлайлиқлар мавжуд. Фонднинг очиқ тарзда жойлашгани фойдаланувчига китоб жовонларни оралаб зарур китобларни бемалол излаш ва буюртма бериш, шунингдек, кутубхона фондига янги олинган китоблар билан яқиндан танишиш имконини беради.

Бугун кутубхонадан яхши ва янги адабиётларни топиш мумкин. Лекин кўпичина китобхонлар, айниқса, ёшлар бу борада интернетни

Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон 1385 йил Табрэзга ҳужум қилиб, Камол Хўжандийни ўзи билан пойтахти Саройга олиб кетиб, ўн бир йил тутқунликда яшашга мажбур қилади. 1396 йил Амир Темурнинг музаффарона юришида Тўхтамишхон мағлуб бўлиб, Камол Хўжандий озод этилиб, яна Табрэзга келтирилади.

Камол ул дамки ўзининг яқин

дўстларга қўргайсан,

Дегил: “Бу давлати бахти

шоҳи соҳибқирон кўрдим”.

Шоирнинг ушбу байти уни соҳибқирон Амир Темур озод этиб, саодатли ҳаётга қайтарганиниг далилидир.

Камол Хўжандий форсий шеърининг бармоқ билан санарли энг буюк мумтоз шоирларидан биридир. Унинг ижоди бир заминда яшаб ижод этган ўзбек ва тожик халқларининг асл биродарлик тимсоли, маънавий мулкидир.

Олимжон Бўриев мумтоз адабиётимизда Алишер Навоий ижодини ўрганишдаги энг муътабар уч манба — Низомий, Дехлавий “Ҳамса”лари ва Жомий “Ҳафт авран”ини таржима қилди.

Шахсан менинг хоҳиш ва илтимосим билан Камол Хўжандий ғазалларини ҳам форсийдан ўзбек тилига ўғирди. Бу назм гулдастаси Камол Хўжандийнинг 700 йиллик юбилейига тўғна ҳамда улкан адабий шодийна ва хурсандчилик деб, қабул этилишини орзу этардим.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик
22 декабрь, 2017 йил

Ғами ҳажрин чекарсан жони бўйи васли деб хушдир,
Чекиш хор захматининг боисидир роҳати хурмо.
Этиб равшан тирикдиллар тунин хуришд жомолидан,
Ўраб атрофини ошиқлари анга боқар шайдо.
Дема арбоби дил кетмишу шаҳри ишқ бўш қолмиш,
Жаҳон лик Шаҳна Табрэзю мард қайда чу Мавлоно?
Эминлиг кунжида зулфу кўзидан ўлтириб бўлмас,
Ки ҳар буракда фарёду кўпар ҳар уйда юз ғавво.
Тубан нокасга кўрсатма Камол даргоҳи тупроғин,
Сўқир кўзин очолмасан суриб сен сурмалар асло...

Муҳаббат йўлини тутсанг, унуттил дину дунёни,
Халос ўлмоқчи эрсанг излама номусу даъвоини.
Боролмасан ақл нури-ла ишқ йўлидан эй оқил,
Сўрагил телба бўлмай топпади Мажнун Лайлони.
Ошиқлар қалби оҳининг тутунидан қаро жаннат,
Агар кўрсатмасанг жаннатда сен нури тажаллонини.
Сенинг сарви қаддинг тўғри ўсишини истагай, йўқса
Дўзахга элтишар боддан қодир тикмакка Тўбони.
Юзингдан разван ризвонни яшнатти, жамолнингсиз
Дўзахдан фарқламак кимса кўриб фирдавси аълони.
Эрурсан бутпараст то аҳли маъини кўролмайсан,
Маоний аҳли кўзи бирла кўргил аҳли маънони.
Камол ғоятда риндлигдан тополса гар харидорин,
Шароб ўрнида соттайдур салоху зўҳду тақвоини.

Олимжон БЎРИЕВ
таржимаси.

маъкул кўришади. Аммо шуниси ҳам борки, интернет маълумотлари кутубхона ўрнини боса олмайди. Боси, кутубхона китобхоналарга маънавий-эстетик жиҳатдан кўп ахборот бера олади. Шу сабаб, бугун кутубхонамиз ишини ривожлантириш, китобхонларни кўпроқ жалб этиш мақсадида китоб кўргазмалари, маънавий-маданий тадбирларга жиддий эътибор қаратяпмиз. Бу каби тадбирлар, шубҳасиз, китобхонларнинг кутубхонага қизиқишини орттиради, уларнинг маънавий-ахлоқий, эстетик-маданий даражаси юксалишига хизмат қилади.

Шоира АБДУҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
бош мутахассиси

НАСИҲАТНИНГ
УМРИ ТУГАДИМИ?

Ўтган асрнинг 70-йиллари адоғида “насиҳат” тушунчаси маънавий давралардан четга сурила бошлади. Неча юз йилликларда давраларнинг тўғриси бермаган бу “оқсоқол” тушунча бирдан пойгакка тушиб кетди. “Яна насихатгўйликми? Яна ўша дидактиками?” деган оҳангдаги маломатлар тез-тез айтиладиган бўлди.

Кун мавзуси

Асрлар мобайнида ардоқлаб келинган айти тушунча бундай ҳолга тушишининг аниқ сабабларига изох беришдан олдин “насиҳат” сўзининг асл маъносига тўхталсан. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изохланишича, бу арабча сўз асли “яхшилиққа даъват қилди” маъносини англатувчи “nasaha” феълидан ҳосил қилинган бўлиб, “яхшилиққа даъват қилиб айтилган маслаҳат, ўғит маъносини англатади”. Изохчи ўқиб қўриб, хайрон қола-сиз. Наҳотки, яхшилиққа даъват этадиган ўғит кераксиз матоҳга айланиб қолса.

Ҳолбуки, айб насихатда эмас, насихатгўйлик даъвоси билан чиққан маҳдомларда. Улар жағи бийронлик қилиб бу эзгу тушунчани истаганча суиистеъмол қилдилар, бир қоп сомондай бозорга олиб чиқдилар. Бу жағгағлар насихатни олди-қочдиға, ёлғон-яшиққа, сафсатабозликка қориштирдилар. Сафсатабозлик насихатнинг пойабзалидан тортиб, шаҳодатномаси-ю ҳақ-ҳуқуқига ҳамма нарсасини тортиб олди ва охири “Мен яхшилиққа даъват этадиган насихатман” деб соллана-соллана ўртага чиқди. Сафсатабозликнинг бундай тантанасига ўша даврда чиққан айрим шиорбоз шоирлар-у ёзгичларнинг ҳам каттагина ҳиссаси бўлди. Ҳатто қулликка даъват этадиган “насиҳат”лар ҳам пайдо бўлди. Шунингдек, “отанг бирла онангни ҳурмат қил-гил” каби бир хил плакатнинг миллион мартабала айланавериши ота-онага ҳурматнинг қадрини тушириб юборди. Охир-оқибат ҳамма “насиҳат”дан беаза бошлади. Чунки энг тез бадга урадиган нарсаси сафсатабозлиқдир.

Бу вақтда ҳар қандай бемаъниликни “халқ сўзи” деб имзолаш русум бўлди. Ҳатто муқаддас аллалар ҳам алдана бошлади: “Улуғ Ленин суратини, алла, Ҳавас билан чизар бўлгин, алла”. Бундай сафсаталардан халқнинг хабари ҳам йўқ эди. Лекин бу нимарсалар унинг номидан эълон қилинарди:

Асаканинг йўлида,
Илон кўрдим қўлида,
Минг жон бўлса берармиз,
Большевиклар йўлида.
Большевиклар отамиз,
Соясига ётамиз.

“Халқнинг имзоси” остида эълон қилинган, қайта-қайта китобларда нашр этилган, байрамларда қўшиқлар қилиб айтилган бундай бемаъни мисоллар жуда кўп. Энг ёмони бу ясама ёлғонлар мангайига “Ўзбек халқ ижодида” деб муҳр уриларди. Халқ ҳеч қачон бундай бетайин нарсаларни қуйламайди. Шунинг учун ҳам у халқ. Худди шу каби сафсаталар насихатни уйдан бадарға қилди. Оқибатда одамлар насихат деса беэтилайдиган, насихатгўйлик деса қочадиган бўлиб қолди.

Шундан сўнг адабий жараёнда ҳам “Энди насихатнинг умри тугади” деган қараш пайдо бўлди ва бу қараш ҳозирга қадар мавжуд. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Махтумқули, Саъдий Шерозий каби улуғларнинг ижоди насихат асосига қурилган. Ҳўш, улардан ҳам одамлар безганми? Йўқ. Ижодий насихат ҳеч қачон эскирмайди, чунки у сафсата эмас. Қолаверса, насихатга ҳурмат миллатимизнинг қонига бор. Ҳар бир ишда насихат ва маслаҳатга таяна-миз. Шунга қарамай, “Насихат жонга тегди, йўқолсин дидактика!” деган гаплар адабиёт аҳли орасида ҳам бор. Бу гаплар пайдо бўлганидан бери ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин қандай насихатгўйлик жонга тегди — ҳамма гап шунда. Хоҳлаймизми, йўқми, Чингиз Айтматов, Шукру Холмиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов асарлари ҳам маълум маънода насихат-ку. Халққа халқ бўл, миллатга миллат бўл, деган насихатни улар қандай айтишини билганлар. Насихатини васияти каби айти олганлар. Минг йиллик гапларни бу менинг гапим деб тавсия қилмаганлар. Такрорлар ва тўғридан қайтарилардан қочганлар. Агар энг яхши гап ҳам кўп қайтариларса, ширасини йўқотлади.

Насихатнинг ҳам, насихатгўйликнинг ҳам умри тугамайди. Эл бор экан насихат бўлади. Фақат уни сафсата билан адаштирмаслик керак. Янаям аниқроқ, насихат шохсупасига сафсатанинг қиқиб олишига йўл қўймаслигимиз керак. Бу жуда нозик масала.

Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

БЕРУНИЙ ЖАВОҲИРИ

Ю. Завадовский, В. Беляев, В. Эрман, У. Каримов, Б. Розенфельд, А. Аҳмедов, П. Булгаков, М. Рожанская, А.Расулов, И.Абдуллаев, А.Ирисов, О.Файзуллаев, Ю. Ҳакимжонов, Ф.Жалолов сингари заҳматкаш олимларнинг хизматларини ҳаминча ҳурмат-эҳтиром билан тилга олмақ бурчимиздир. Шарқ мамлакатлари олимларининг асарларида ҳам қумусий бобокалонимизнинг ҳаёти ва ижоди шарафланиб, ҳали-ҳануз жаҳон олимлари Беруний даҳосига, илмий меросига такрор-такрор ҳайрат билан мурожаат этишмоқда.

Манбаларда кўрсатилишича, серкира олим фаннинг турли-туман соҳаларига оид қўллаб асарлар яратган бўлса-да, бизгача етиб келгани бир юз эликдан зиёд. Академик И.Крачковский таъбири билан айтганда “...унинг қизиққан илм соҳалариндан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осонроқдир”. “Китоб ал-жамоҳир фи-

маърифат ал-жавоҳир” (Минералогия) араб тилидан рус тилига таржима қилиниб, 1963 йили Москвада чоп этилган. Бунда А.Беленицкий таржима-си ва изохларни тузиб, тартибга келтирган хизматлари мақтовга лойиқдир. Ушбу асар энди ўзбек тилида тўлиқ ҳолатда китобхонлар қўлига етиб борди. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги раҳматли Азизхон Қайумов асарни маҳорат билан таржима қилган. У киши бутун ижодий фаолиятини ўзбек мумтоз адабиётига бағишлаш билан бирга буюк аждолларимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам асарлар, жумладан, “Беруний ва адабиёт” китобини ёзиб нашр эттирган.

Абу Райҳон Берунийнинг маъкур асари жаҳон илм-фан аҳлини ҳайратга солган “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Геодезия”, “Конун Маъсудий” каби асарлари қатори юксак қадрланади. Китоб

Ўзбекистон Қаҳрамони, техник фанлари доктори, профессор Қувондиқ Санакўлов сўзбо-шиси билан очилади. Сўзбоши-

да: Берунийнинг минераллар ва маъданлар хусусида назарий ва амалий қарашлари; қимматбаҳо тошлар, жавохирлар (минераллар), филизот (металлар) ҳақида ўзидан олдинги олимларнинг асарларига танқидий ёндошгани; Беруний ўзи амалиётда 50та модданинг солиштирма оғирлиқларини аниқлиқ билан ўлчаганилиги; минераллар ва маъданлар тўғрисидаги назарий ва амалий қарашлари; асарнинг жаҳон илм-фани учун аҳамияти хусусида мухтасар фикрлар билдирилган ҳамда Республикамиз кон-металлургия ва минераллар захираларининг янада кўпайишида Берунийнинг беназир кашфиётлари хизмат қилаётгани фахр билан таъкидланади. Асар қимматбаҳо минераллар, металллар, минерал ҳамда металл қотишмалари ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиб, асосан икки қисмга бўлинади: биринчи қисм минералларга, иккинчи қисм металлларга бағишланган.

Улуғларимиз меросидан

Беруний она тилидан ташқари араб, сугдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилларини билган ва улардан ўрни келганда тўғри, унумли фойдаланган, турли тиллардан келтирилган номлар, сўзлар, иборалар, афсоналарни қўллаган. Олим илми кимё йўли билан олтин ҳосил қилиш мумкин деган пуч ҳаёлий, хурофий, бидъат гапларни қаттиқ танқид қилади, далиллар билан рад этади.

Оллоҳга ҳамдлар билан бошланган китобнинг кириш қисми гўзал мазмундорлиги билан бениҳоя мафтункорки, китобхонни ҳидоят сари, маънавият сари чорлайди. Олтин, қумуш ё қимматбаҳо тошлар “гўзаллик сифатида ҳис-туйғу билан қабул қилинади, шунга қараб баҳоланади”, дейди олим ва уларнинг қадр-қимматини шундай изохлайди: “Уларни маънавий бойликлар билан қиёс қилинганда ҳақиқий фазилати очилади”.

Беруний ўзидан олдин ўтган ва замондош шоирлар ижодидан кўп намуналар келтирганики, шеърлар шарҳи, талқини унинг бадиий ижод сирларини ҳам чуқур эгала-ланидан гувоҳлик беради. Асарда турли соҳаларга оид қимматли манбалар қўллаб ўқрайди. Бу — илмининг кўп қирраларини эгаллаган энциклопедик олимнинг салоҳиятидан ёрқин далолат.

Абу Райҳон Беруний “Қимматбаҳо жавохирлар ҳақида билимлар китоби”ни ёзиш жараёнида, олдинги китобларида бўлганидек, ўзидан ана шундай юксак хусусиятларини мукаммал равишда намойён қилган. Шунинг учун ушбу китоб фақат аниқ фанлар мутахассислари учунгина эмас, тарих, адабиёт, фалсафа, фольклор, этнография, педагогика, дин ва бошқа соҳа мутахассислари, қолаверса, буюк аждолларимиз меросига эътиқодли инсонлар учун ҳам кенг фойдаланидиган манбалардан иборат бебаҳо асардир.

Воҳид ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат техника
университети катта ўқитувчиси

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб ўзбек маданиятига Европа мусиқасининг опера, балет, симфония, мусиқали драма, мусиқали комедия, оркестрларнинг симфоник, дамли чолгулар, халқ чолгулари ва камер каби жанрлари кириб келди. Натижада бастакорларимиз ижодидида кўпозовли профессионал оркестр ва хор асарлари мусиқий жанрларнинг таркибий қисми сифатида пайдо бўла бошлади. Муҳтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Толибжон Содиқов, Тўхтасин Жалилов, Сулаймон Юдаков, Икром Акбаров, Дони Зокиров сингари атоқли бастакорларнинг хор асарларида ўша даврнинг жамоавийлик руҳи ва гоялари акс эттирилган ҳамда уларда миллий оҳанглар, анъанавий ижро шакллари эътибор қаратилган эди.

Атоқли бастакор, Ўзбекистон давлат маданиятининг муаллифи Мутал Бурҳоновни ҳақли равишда профессионал ўзбек миллий жўрсиз хор санъатининг асосчиси, десак муболага бўлмайди. Композитор ижодидида кўпозовли полифоник услубдаги жамоавий айтими санъати ҳақиқий миллий тароватга эга бўлди. Фақат ўзбек мусиқасига хос бетакор жамоавий ижро услубини яратиб жараёни анча мураккаб, зиддиятли ва сермашаққат кечди. Натижада М.Бурҳонов хор санъатининг жаҳон маданиятида кенг тарқалган шакллари-дан бири бўлган жўрсиз – *a'kappella* жанрига эътиборини қаратади. Бу жанр мазмунан таъсирчанлиги, шаклан соддалиги, услубан ом-

Таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий хор санъатининг энг аjoyиб намуналари Ўзбекистон халқ артисти Ботир Умиджонов раҳбарлик қилиб келган Бадий жамоалар ижодий бирлашмасининг Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси томонидан ижро этилган. Маз-

ХОР САНЪАТИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР



мавийлиги ва, энг муҳими, ҳаётлиги билан бошқа жанрлардан фарқлиб туради. Айнан шу хусусиятлари билан жўрсиз хор ўзбек мусиқасида бир овозли миллий анъаналар ва умумбашарий кадрият сифатида дунё халқлари маданиятида эътироф этилган кўпозовли Европа хор услуби орасида табиий йўғун ҳамоханглик яратиш имконини туғдиради. Бастакорнинг ўтган аср 50-йилларида яратган "Жўрсиз хорлар" туркуми – ўзбек, тожик, қорақалпоқ, уйғур халқларининг кўшқ ҳамда лапарларига асосланган бўлиб, илк ижролариданоқ санъат ихлосмандларига манзур бўлди. Мазкур асарлар бугун ҳам ўзбек жўрсиз хор санъатининг юксак намунаси сифатида ҳо-рижий ва қардош мамлакатларда муваффақият билан ижро этиб келинмоқда.

Устоз композитор бошлаб берган миллий хор ижодий анъаналарини мамлакатимизнинг Икром Акбаров, Собир Бобоев, Мардон Насимов, Ботир Умиджонов, Мустафо Бафоев, Сайфи Жалил, Фарход Алимов, Баҳрулла Лутфуллаев каби таникли композиторлари самарали давом эттиришди. Айниқса, дирижёр-хормейстер ва композитор Ботир Умиджонов ҳамда композитор ва дирижёр Мустафо Бафоевнинг ижодий изланишлари диққатга сазовор. Ҳар иккала ижодкорнинг хор асарларида мақом анъаналарининг устуворлиги яққол кўзга ташланиб туради. Истиқлол йилларида Фарход Алимов, Ҳабибулла Раҳимов, Дилором Омониллаева, Мухаммадjon Отажонов, Ойдин Абдуллаева, Евгений Нечаев, Ноила Шарафиева каби мутахассислар ҳам ушбу йўналишда самарали ижод қилиб келишмоқда.



Пойтахтимиздаги халқаро Маданият карвона-ройида очилган жаззхалқ рассом Валерий Поваринсининг кўргазмаси томошабинлар билан гажум бўлди. "Ёзги туш" деб номланган экспозицияда муаллифнинг элликлан ортқ асари намоиш этилди. Валерий Поваринсин ижоди мавзуларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ижодкорнинг "Тунги сайр", "Дераздаги мушук", "Қўмсаи", "Бўёқнинг парвози", "Рубик-кубик-латишморт" сингари асарлари ўқувчиларни мулоҳазага чорласа, "Белана сайраши", "Икковлон", "Қўқ қуш", "Нонлар", "Қовун бозори", "Болалик бурчаги", "Карвон келди", "Қузги ёмғир" каби композициялар томошабинлар қалбига сокинлик бағишлайди. Ёрқин ранглар рассом маҳоратидан дарак беради. Айниқса, "Қузги ёмғир" асари қўллаб

Лукма

рибди. Бундайлар орасида хонанда Дилмурод Султонов ҳам бор. "Milliy TV" телеканалда унинг "Оппогим" дея, ижтимоий тармоқларда эса "Машинам", бошқа жойларда бошқа номлар билан айтиладиган, қўшқ дейишга тил бормаидиган бир хиргойиси бор. Қўшқ, аслида, шoirнинг шеъри асосида яратилишини бугун мактаб боласи ҳам билади. Лекин Д.Султоновнинг хиргойиси матнини шеър деб аташ мумкинмикин? Мана, ўзингиз ҳам ўқинг:

ЎЗГИ ТУШ

мухлисларда қизиқиш уйғотди. Рассомнинг ёшлик нафаси уфуриб турган асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида "Айлана ва..." деб номланган ижодий гуруҳнинг "Этюд" номли кўргазмаси очилди. Мазкур гуруҳ аъзолари қизиқарли лойиҳалар асосида тадбирлар уюштириб, санъатсеварларга завқ улаштираётгани ҳам ўн йилдан ошди. Гуруҳ қатнашчиларининг таъкидлашича, бундай лойиҳалар уларни янада жипслаштиради, гўзалликка бўлган му-

Борам оппогим, сени ёнингга,
Лек мошина тегиб кетди жонинга.
Сени жуда соғиндим кўзларингни,
Ўтинам булолмадим ёнингга.

МАШИНАСИ ТАҚИР-ТУҚУР

Ушбу қовушмаган сатрларда, ҳатто -ни ва -нинг қўшимчалари ўз ўрнида эмас. Матнинг давомини ўқи янада хайрон қоласиз:
Гулдастлар сўлиб қолди қўлимда,
"ДАН" ходим узраб қолди йўлимда.
Яна озорқ сабр қилип, жон севилдим,
Севим армон бўлмасин бу дилимда.

Тавба, Давлат автомобиль назорати – ДАН деган ташкилот номи ўзгартирилганига неча йиллар бўлди. Бугун

эса ушбу атама халқ томоша қиладиган телевидениедан янграб турибди. Қўшқнинг нақоратини эшитиб, тепа сочингиз тикка бўлиши ёхуд қулгидан ўзингизни тутиб тура олмаслигингиз аниқ;

ҲАМИША ДОЛЗАРБ САНЪАТ

Газетанинг шу йил 22-сонидида чоп этилган «Графика замон билан ҳамнафасми?» мавзuida давра суҳбати иштирокчилари тўғри таъкидлашганидек, бугун графика санъатидаги изланиш жараёнлари таъсирли санъатнинг ранг-таъсир ва ҳайкалтарошлик каби турларига қараганда суст кечмоқда. Бунинг асосий сабаби ушбу санъат турида яратилган асарларга буюртманинг йўқлиги, ташкилий ишларнинг оқсатгани, ёш мусавирлар орасида ижодини мазкур соҳага боғлашни истоганларнинг камлиги билан изоҳланади. Бу муаммолар бир-бири билан узвий боғлиқ.

Тарихга назар ташласак, санъат аксарият ҳолларда ҳомийларнинг қўллаб-қувватлаши асосида ривожланиб келган. Моддий қўмакларсиз, замонавий тилда айтганда, моддий-техник база ва бошқа омилларсиз графика санъатининг тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусий буюртмачилар бўлмаган тақдирда буюртмачи ролини давлат, қолаверса, жамоат ташкилотлари бажариши мумкин. Бу борада соҳани замонга мос тарзда ривожлантиришда графика санъати ижодкорларининг ўзлари фаоллик кўрсатишлари лозим. Қолаверса, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг турли лойиҳаларини амалга оширишда графика санъатининг ҳозиржавоб тури – плакат асосий қўмакчи бўла олади. Масалан, маънавий ва экология муаммолари, оила мустаҳкамлиги ва бошқа мавзулардаги плакатларга эҳтиёж катта. Чунки графиканинг плакат ва карикатура каби турлари ўзига хос жиҳатлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортади. Ксилографика, линография, литография ва офорт сингари графиканинг бирмунча "огиркарвон" турларида яратилган асарлар ҳам эҳтиёжга қараб ривож топади.

Хўш, графика санъатининг замон билан ҳамнафаслигини таъминлашда хизмат қиладиган қандай омиллар бор? Бугунги кун санъат ва маданият соҳаси мутасаддиларидан нафақат ташкилотчилик қобилияти, айни пайтда, санъат бозори талабларидан ҳам хабардор бўлиш, маркетинг сирларини пухта эгаллаш, тасарруфиди

ижодий меҳнат билан банд бўлган мусавирларнинг асарларига буюртмачилар топишда ҳам жонбозлик кўрсатиши талаб қилмоқда. Афсуски, ҳозирча мамлакатимизда санъат менежменти ва маркетинги соҳалари зарур даражада ривожланмаган.

Графика санъатининг афзал томонларини, аҳолини гўзалликка, ижтимоий муаммоларга жалб қилишдаги ўрнини тарғиб ва ташвиқ қиладиган бадий танқидчилар фаолияти қилиб келаётган мусавирлар қониқарли эмас. Шу соҳада ўтказилган кўргазмалар, озми-кўпми графикада ижод қилиб келаётган мусавирлар

Муносабат

ҳақида кўпинча ахборот мазмунлиги материаллар билан чекланилади. Ҳолбуки, бугунги кунда теле-радио, газета-журналлар, интернет сайтлари қизиқарли ҳамда таҳлилий материалларга муштоқ. Шундай экан, томошабинларни кўргазмаларга чорлаш, графика санъатига қизиқтириш ва шу орқали мазкур санъат ҳаридорлари доирасини шакллантириш йўлида оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш зарур. Бунда томошабиннинг санъатга қизиқтириш танқидчининг ўзини ҳам рағбатлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Руҳлантирувчининг ўзи ҳам руҳланди бўлиши керак. Аммо аксарият ҳолларда турли кўрик-танловлар ташкил этилишига гувоҳ бўлганимиз, соҳанинг етакчиси ва зифасини бажариши мумкин бўлган бадий танқидчилик соҳаси эсимиздан чиқади. Шу боис таъсирли ва амалий санъат турлари танқидчилари ўртасида турли кўрик-танловлар уюштирилиши мақсадга мувофиқ.

График асарларнинг муҳимлиги ва ижтимоий фойдалилигини намоён эта олиш мусавирларнинг эстетик тафаккурига, маҳоратига, замон билан ҳамнафас ижод қилишига ҳам боғлиқ. Айнан шу жиҳат графика санъати долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаслигида асосий омилдир.

Лазизжон БАХРАНОВ,
фалсафа фанлари доктори

Ҳушмурок осонмас...

Сўнгги пайтларда мамлакатимиз равнақи-га хисса қўшиб, юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган ватандошларимизни эслаш, уларнинг хотираларига ҳурмат бажо келтириш мақсадида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар, шубҳасиз, ўзалигимизни англашга ёрдам беради. Айниқса, халқимизнинг асл фарзандлари бўлган улуг адиб ва шоирлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги Миллий боғ худудига Адиблар хиббони ташкил этилиб, уларга ҳайкаллар ўрнатилгани адабиёт аҳли қалбига мунавварлик олиб кирди. Шу боғга ташаб бўлган Олий Мажлис биноси, "Халқлар дўстлиги" деган номи тикланган мухташам концерт саройи атрофларининг ободонлаштирилгани ҳам халқимизни хушнуд этди.

Кун кеча "Халқлар дўстлиги" саройида бўлиб ўтган "Ҳушмурок осонмас..." деб номланган хотира концерт дастури бошланган хайрли ишларнинг гўзал давоми бўлди. Мазкур концерт аввалида катта экранда бугун орамизда кетган таникли адиблар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар сиймоси бир-бир намоён бўлди. Таъсир ортида Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг таъсирчан, ширали овози янгради:

Кимки бир кўнгли бузқўнинг хотирин
шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса,
обод айлагай.


Шундан сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг овози янгради. Таниқли хонандалар Фуломжон Ёқубов, Равшан Комилов, Кумуш Раззоқова, Илхом Фармонов, Ҳожиакбар Ҳамидов, Махмуд Усмонов ва истеъдодли ёшлар инсонийлик, меҳр-оқибат,

яхшилик тараннум этилган қўшиқларни ижро этдилар. Қўшиқлар орасида экранда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф, Зикир Мухаммаджонов, Обид Юнусов, Тўйчи Орипов, Фароғат Раҳматова, Санъат Дошир-нов, Улмас Саиджонов, Фахриддин Умаров, Ўктам Жобиоров, Даврон Зуннунов, Мирзохид Мирзабахимов, Насиба Махсудова каби юртимизнинг фахри бўлган маданиятимиз даргалари, хонанда Шахнозабону, суҳандон Дилдора Қаюмова сингари эрта сўнган истеъдодлар қиёфалари намоён бўлиб, улар ижодидан кичик лавҳалар намоиш этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қаюмов концертни таъсирчан олиб бориб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ташкил этилган мазкур хотира дастури режиссёри Зокиржон Қаюмов, сценарий муаллифи шоира, Маданият вазирлиги бош мутахассиси Муҳаббат Ҳамроевнинг бу борада катта таърибага эга экани кўпчиликка яхши маълум. Энг муҳими, мазкур концертга келганлар бой маънавий-маърифий озиқ олишди.

Концертдан қалбимиз нурланиб чиқар эканмиз, кўнгилда баъзи истаклар туғилди. Қани энди бундай тадбир Маданият вазирлиги, Ёзувчилар, Композиторлар ва бастакорлар уюшмалари, Бадий академия, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзтелевизиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилиб, юртимизнинг улуг кўнларида — 9-май, Мустақиллик байрами, Хайит байрамлари арасидада ўтказилса... Бу ҳаммамиз учун, айниқса, ёшлар учун одабийликдан сабоқ бўларди.

Г.УМАРОВА



Нигоҳ

С.ҚОСИМОВА

Машинам тақир-туқур,
Куласан қиқир-қиқир.
Сени севганим учун
Келдим шу маҳаллангга.

Афсус! Минг афсус! Қўшиққа сарфланган шунча маблагга, одамларнинг вақтига ачинаман. Бунинг ўрнига ақалли битта китоб сотиб олиб, мутолаа қилинса, фойдадан ҳол бўлмас керак?! Мана шу нақорат уч ярим дақиқа қўшиқда олти марта қайтарилади. Халқимизда "Шакарнинг ҳам ози ширин" деган нақл бекорга айтилмаган, ахир.

Шундай хиргойини халққа намоиш қиладиганлар "Миллий" TV ходимларининг дидага хайронман. Бадий кенгаш борми бу телеканалларда! Биз ота-боболаримиздан мерос "Шашмақом"у "Тановар"ларимиз билан чексиз фанлар эканмиз, қўшқчилик санъатимизни "Машинам" (балки номи "Оппогим"дир) сингари беҳушов нағмалардан тозалашимиз шарт! Токи, қўшқчиликимиз Дилмурод Султоновнинг "машина"сидек тақиллаб қолмасин!..

Отабек ИСРОИЛОВ

Ўрта Чирчиқ тумани

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тоғ ёнбағирларини экин экишга мослаб ўзлаштириш тажрибаси қадимдан бор. Омонқўтоннинг тик қияликлари сел ва жала пайтлари кучли оқими тўхтатиб қолувчи бирор тўсиқ бўлмаганидан қуйидаги манзилларга ҳавф солиб келган. Бир юз қирқ йил аввал ҳам атроф манзиллар сел келишидан қўп азият чеккан. Ўз йўлида учраган улкан тошларни қўприб йўл ва кўприклар, экинзор далалар, қишлоқларни вайронага айлантирувчи тошқинлар туфайли мол-қол ва одамлар ҳам қурбон бўлган. Ўзоқ вақт Самарқанд ва Шахрисабз ўртасида алоқа узилиб қолган.

1963 йили Италиядаги Монте Тоғига ёққан сел ва жала ҳосил қилган тошқин Вайотт сув омбори тўғонини бузиб юборади. Қуйига отилган сув етти дақиқада Пьяве водийсидаги бешта қишлоқни сув остида қолдиради. Бу офат туфайли 2,5 – 3 минг аҳоли қурбон бўлади. Бундай ҳалокатли селлар Марказий Осиё учун ҳам бегона эмас. 1977 йили Шохимардонсойда юз берган фожиа кўпчилиكنинг эсида. Ўшанда ўн бешга яқин аҳоли манзиллари, 20 та мактаб, 18 та касалхона, 1300 километрдан ортиқ канал ва ариқларни сув ювиб кетган. Шу йилнинг баҳоридаги кучли жала ва селлар ҳам Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг айрим ҳудудларига катта зарар етказди.

Албатта, бир пайтлар Бухоро амирлиги ва Туркистон генерал-губернаторлиги чегараси ўтган мазкур ҳудуддаги табиий офатлар чоризм истилочиларини кўп ташвишга қўйган бўлиши керак. Шу сабабли селлардан, жазирама офатдан ҳимояланишга қулай ҳудуд барпо этиш мақсадига ўзига хос наботот оламини яратишга доир тажриба ишларига империя хазинасидан маблағ ажратишга муваффақ бўлинади. Ўрмоншунос олимлар жалб этилади. Манбалар далолат беришича, 1878 йили Туркистон ўлка департаменти томонидан тоғдаги сел тошқинлари ва тупроқ эрозиясига қарши курашиш учун минг рубль ажратилади. Ҳарбий ўрмончилар бу маблағдан Омонқўтон ёнбағирларини мустаҳкамлаш учун фойдаландилар.

Дастлаб Баҳрин қишлоғи яқинида уч ярим гектарлик қўчатзор ташкил қилинади. Тўрт йил давомида сув ва шамол эрозиясига чидамли маҳаллий ҳамда шимолдан келтирилган бутали ўсимлик ва дарахтлар қўчатини етиштириш тажриба қилиб қўрилади. Сўнг ҳарбий сапёрлар ва ён атрофдаги қишлоқлар аҳолиси кучи билан Омонқўтоннинг тақир ёнбағирларида поғонама-поғона тарздаги террасалар қилинади. Улар тик ва бир-бирига параллель бўлиб, ораси 21 метр, ўта нишаб жойларда 30 метр, эни эса 1,4 метрни, қўчатлар ораси 1,1 метрни ташкил этган. Қўчатлар беҳато тутиши учун илдизи тупроқ ва гўнг аралаш бўтқага булаб олинган. Терраса қилинган жойларда ёмғир ва қор суви тупроққа сингиб, ёз ойларида ҳам зарур намликни сақлаган. Қўчатлар ораси дастлабки йилларда қўл кучи ва от тортадиган тиркалма ускуналар ёрдамида юмшатишган.


1882 йили Омонқўтонда барпо этилаётган сунъий ўрмонзорга илк бор қўчат қадаш жараёнига Н.И. Корольков, М.И. Невеский ҳамда С.А. Навроцкий раҳбарлик қилишган. Улар моҳир селекциячи ва табиатшунос ҳам бўлганлар. Тарихий суратлар қўлига кетмон олиб бу ишларда иштирок этган қанчадан-қанча маҳаллий аҳоли вакиллари қиёфасини ҳам ўзида муҳрлаган.

Ҳар хил қўчатларни қаторларга оралатиб экиш сунъий ўрмон яратиш муваффақиятини таъминлаган. “Акация – ёнғоқ – акация” ёки “гледичия – айлант – гледичия” қўчатлари қадалган террасалар ораллигига “олча – шилви – дўлана – наъматак” каби тўп-тўп бўлиб ўсадиган буталар жойлаштирилган. 1883 йилга келиб қрим қара-

гайи ва оддий қарагай, сарвиғулдошлар оиласига мансуб арчасимон туя ҳамда заранг дарахтлари ҳам маҳаллий шароитга мослаштирилди. Қўчатларни жазирамадан сақлаш учун атрофига япроқ баргли дарахтлар экилган. Албатта, бу иш ўрмончилардан жонқуярлик талаб этган. Улар қуриб қолган қўчатлар ўрнига яна қўчат қадаш, тупроқни юмшатиш, бегона ўтларни юлиш учун қаттиқ тер тўкишган.

1887 йили денгиз сатҳидан 1460 метр баландликда 120 туп қарагайдан иборат чорак гектар соф ўрмон барпо этилади. Уни яратишда фаол иштирок этган ҳарбий-фуқаролик маҳкамаси зобити Николай Корольковни “омонқўтонча ўрмон яратиш”нинг авторни деб ҳисоблайдилар. Бу усул француз ўрмончилари томонидан ҳам эътироф этилиб, Парижда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада Н.Корольков Фахрий легион Кўмондонлик крести билан тақдирланган. 1884 йилдан сўнг унинг ишини М.И. Невеский ҳамда ўрмончи С.К. Навроцкий давом эт-

ЭКОТУРИЗМ:



МИНГАРЧАДАН МИНГ ЧИНОРГАЧА

тирган. Улар яхлит бодом, тол, қайрағоч, терак ва қарагайдан иборат кичик-кичик ўрмонзор яратишди. Кейинчалик Чирчиқ яқинидаги Оқтошда ҳам шундай сунъий ўрмонлар барпо этилади: 1898 йили С.Ю. Раунер лойиҳаси ва раҳбарлигида сел оқимларига қалқон бўладиган 1740 гектарли сунъий ўрмон яратилади. Ўрмончи Дейш томонидан 55 гектарли террасаларга арча, заранг, ёнғоқ, ораларига эса pista, бодом, дўлана, олча, терак, шумтол, қайрағоч экилади. Ўтган аср 20-йилларидан бошлаб бундай ишлар Фарғона водийси, Қашқадарё ҳавзаси ва бошқа ҳудудларда ҳам олиб борилган...

Омонқўтондаги ўрмонзорлар 1906 йилга келиб 950 гектарга етказилган. 1931 йилдан бошлаб илмий тадқиқотлар олиб борилиб, кўп ўтмай унинг базасида Самарқанд ўрмон хўжалиги ташкил этилади. Қрим қарагайи экинчи 1939-1940 ҳамда 1961-1962 йилларда ҳам давом эттирилган. Ўрмончилар шумтол, қайрағоч, ёнғоқ, жийда, дўлана, олча каби баргли дарахтларни ҳам экиб кўпайтирадилар. Табиий ҳолда ўсувчи доривор гиёҳлар ҳам сунъий ўрмоннинг ноёб бойлиги. Ўрмонзор шарофати билан Омонқўтоннинг тупроқ ва иқлим шароитида катта ўзгариш рўй берган. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойиб, қайнар булоқлар кўпайган. Ноёб қарагайлар бўй чўзган. Олимлар фикрича, бир гектар майдондаги игна барглилар бир кеча-кундузда беш килограмм бактерия қирувчи фитонцид чиқарса, Зарафшон арчаси – 30 килограмм, япроқсимон барглилар 2 килограмм фитонцид чиқарар экан.

Асрни қаратган қарагайзор

Поезд Сангзор дарёси атрофидан шитоб билан ўтаётганда чап тарафдаги тап-тақир қирнинг тўшида яшнаб турган икки-уч туп дарахтга кўзим тушди. Демак, кимдир жазм этиб, ўша яйдок қирликка ҳам қўчат қадабди. Бугун у муз устидаги лоладек кўзимизга иссиқ кўринади. Тўғриси, юрт кезганда бундай манзараларни кўп учратасиз. Кимдир фарзандига уй қуриш, кимдир боғ яратиш умидида шу ишга жазм этган. Нима бўлганда ҳам “тошда гул ундирмоқни ният қилган” ўша одамга балли дегинг келади. Сарисёенинг сувсиз адирликларида юзлаб гектар лалми олмасорлар яратган Носирхон ота Тўрақулов, Боботоғда pistaзор боғ қилган Ўрол Кокилов, Хатирчининг Сангжумон қирликларига елим қувурда сув чиқариб анвойи мевалар етиштираётган Насриддин ҳожи Низомовнинг

қалбида балққан меҳру саховатга тасанно дейсиз. Гўзаллик ва ободлик ярата олишда, қадимида боғ ундириб яшашда катта ҳикмат бор.

Самарқанддан қир километр жанубдаги Омонқўтон ёнбағирлари юртимизнинг гўзал табиати ҳудуди. Унинг бағрида болаларнинг ёзги дам олиш уйлари, қўналгалар жойлашган. Ўтган аср 60-70-йилларида доvonнинг Китоб туманига қарашли қўнғай томонида атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов тақлифи билан оромгоҳ жойлар барпо этилиб, минг туп чинор экилади. Довон йўли янги ўзандан қайта қурилади. Тоғ ёнбағирларини гўзаллаштирган чинору қарагайлар сийрак арчазор ва pistaзорлар ҳудудини бойитган. Шароф отанинг хурматиға “Мингчинор” деб аталган бу манзилнинг Швейцария табиатиға менгзалиши ҳам бежиз эмас...

Омонқўтондаги тарихий ўрмон билан танишиш Ташбулак чашмаси сувидан чанқоқ қондиришдан бошладик. Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Мансурхон Аҳоровнинг айтишича, бу жойни “Мингарча” деб аташар экан. Қоратепадан то доvonнинг энг юқори нуқтасигача бўлган беш олти чакирмили тоғ ёнбағирини қоплаб ётган қуюқ ўрмоннинг юраги айни шу ҳудудда. Бундан бир юз ўттиз олти йил бурун экилган қарагайлар, Зарафшон арчалари савлат тўкиб, Мингарчага бетимсол чирой бағишлаб турибди. Осмон билан бўйлашган азамат дарахтлар пойидаги лавҳада 1895 йили шу ҳудудда тадқиқот олиб борган тиббиётчи академик И.Д.Успенский қайдномаси битилган. Унда ёзилишича, бу жойнинг табиати шифобахш, кўп хасталикларни даволашда қўл келади, айни шу жиҳатиға кўра,

фақат Кисловодскдан орқада қолиши мумкин. Июль ойидаги ўртача ҳарорат 25 даража атрофида бўлар экан. Ҳақиқатдан арчазору қарагайзор ҳавосига тўйиб, биз ҳам ўзимизни қўшдай енгил хис этдик ва академикнинг эътирофи бежиз эмаслигини англадик. Шу сабабли ёзнинг чилласида соя-салқин жойларга ошиққан одамлар, бир аср аввал бўлганидек, “Мингарча”га талпинишади. Лекин имконият чегараланган, бунга ҳудуднинг маҳами изн бермайди. Шундай бўлса-да, қўлбола чорполарга ўрнашиб, тоғ ҳавосидан баҳридили яйраб дам олаётганлар кўп. Чорас асрдан бери шу жойни обод қилиб келаётган Раҳмат бобо Очиловнинг айтишича, ўрмоннинг оҳанрабои бор. Бир пайтлар соясидан от ҳурқан раҳбарлар уни хос оромгоҳга айлантириб олиш пайида бўлганлари ҳам сир эмас. 1993 йили Самарқанд вилояти ўрмон хўжалиги раҳбари бўлган Раҳматулла Абдуллаев Раҳмат бобони ишга тайинлаб, қўчатзор ташкил қилиш учун бир гектар ер ажратиб беради. Қўчатзорда ўсган ниҳоллар ўрмоннинг сийрак жойларини тиклаш ва яна қўлаб ҳудудларни обод қилишда қўл келади. Бироқ “Мингарча”да ўрмон хўжалиги музейини ташкил этиш нияти орзулигиға қўлиб келмоқда.

– Яна бир ишимни дафтарингизға ёзиб қўйинг, иним, – дейди Раҳмат ҳожи бобо. – Худо умр берса, келаси йили саксонга чиқаман. Етти йил аввал хув, баланддаги эллик сўтих жойни 467 туп айлант кўндаси ва илдизларидан тозалаб ер қилдим, уругидан экиб Қрим қарагайи ўстирдим. Бу усулни барча ўрмончилар яхши билишади. Лекин иш осон кечмади, ўзим ҳам, фарзанду набираларим ҳам тиниб-тинчимадик. Минг тупдан зиёд қўчат етиштирдик. Ўрмоннинг ҳар бир дарахтини меҳр билан қўриқлаймиз.

Ҳожи бобо айтаётган юқоридаги қўчатзорни чиқиб кўролмаган бўлсак-да, тиниқ чашмалар суви ўйноқлаб кириб-чиқётган кичик ҳовузчалару ажаб-товур ўриндиқлар, қарагайлар соясидаги сўриларни, асалари уяларини томоша қилдик. Буларнинг барини отахон ўз қўли билан яратган экан...

Бугун доvonнинг терскай ёнбағридаги Омонқўтон ўрмони билан танишиб, салкам бир юз қирқ йил муқаддам оқ гвардиячи зобитларни эзгу ишларга ундаган сабаб нимадалиги ҳақида ўйга толмаслик мумкин эмас. Балки улар туб жой аҳолини босмачи ва батрак, бой ва қўлоқ каби тоифага ажратиб қон қақшатган қўзилардан кўра маданиятлорқ бўлишганими? Эҳтимол, бунга ўша вақтлар бутун Европада, хусусан, Франция, Италия, Германия каби санаот ва маданият бекиёс раванқ топган мамлакатларда ботаника боғлари, гўзал боғ-чорбоғлар яратиш урфга айланиб, бу иш оқсуяк-аристократиянинг энг севган машғулотига айланиши ҳам сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам яйдок қияликларда шундай ажойиб ўрмонни яратганлар ва улар бошлаган хайрли ишни бир асрдан буён давом эттириб, гўзаллиқни ардоқлаб яшаётган фидойи инсонларни шарафлаб турибмиз. Уларнинг эзгу ишига офарин айтаялмиз. Негаки, XXI асрга келиб сайёрамизнинг англаб этилган глобал ташвишлари инсонни она табиат ва унинг бойликларини нафақат буткул йўқолиб кетишдан асрашга, балки бойитишга ҳам масъул этиб қўяётир. Ернинг глобал даражада исиши билан боғлиқ ҳолда кузатилаётган қўланиш даражаси ҳаддан зиёд ошиб бориши, атмосферада кўм тўзонлари микдори ортиши, планетанинг бир жойини тошқину тропик довуллар вайронага айлантирса, иккинчи бир жойида қатра ёмғир ёғмасдан табиатнинг ўлик ҳолга юз тутиш жараёни тезлашди. Бундай ҳолларни биз, айниса, Орол денгизи фожиаси туфайли тез-тез кузатаёлмиз. Табиатнинг экологик мувозанатини издан чиқараётган жараёнлар таъсиридан ҳимояланишнинг энг тўғри йўли сунъий ўрмонларни кўпайтиришдан иборат.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Халқор.лари.ш.з:


juzo
akfaЎЗБЕКИСТОН
БАДИЙ
АКАДЕМИЯСИМанзилимиз:
Тошкент — 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32Электрон манзилимиз:
uzas.gzt@mail.ruБош
муҳаррирЎқтам
МИРЗАЁРҚабулхона: 233-52-91
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60Тахририятга келган
қўлёзмалар таҳлил этилмайди
ва муаллифларга
қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри
тахририят нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.Масъул котиб —
Асрор СУЛАЙМОНОВНавбатчи муҳаррир —
Мурод АБДУЛЛАЕВСаҳифаловчи —
Зафар РЎЗИЕВ«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 20.15.Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 26.11.2014 йил
0283-рақам билан рўйхатга олинган.

Адади — 7715. Буюртма Г — 682.

Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.

Нашр кўрсаткичи — 222.


Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

Сайтимизга ўтиш учун
QR-коднинг телефонингиз
орқали сканер қилинг.

ЧАЙНВОРД



Анвар МИРЗАЗОДА тузган

МАЗКУР ЧАЙНВОРД (СЎЗЛАР ЗАНЖИРИ)
АДИБ САИД АҲМАД ИЖОДИ ВА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

1. Саид Аҳмаднинг рус тилида (1968-74) нашр этилган асари.
2. 1940 йилда чоп этилган биринчи ҳикоялар тўплами.
3. Ҳажвия (2012 й.) ...Унинг асли исми қанақалигини, ўзи қаерда ишлашини биров аниқ билмайди. Таниган ҳам, танимаган ҳам уни... (?) деб чақиради.
4. Холиқ образи талқинидаги ҳажвия (2012 й.).
5. “Бунт невесток” (1985й. Ўзбекфильм) сценарийси муаллифи, Эдуард... (?)
6. “Творчество Саида Аҳмада” (1973й.) асарининг муаллифи, тадқиқотчи.
7. “Уфқ” романидаги ижобий қаҳрамонлардан бири.
8. “Адабий портрет” (1971). Адабий мулоҳазалар китоби муаллифи.
9. Саид Аҳмад асарлари чоп этилган хорижий тил ёки мамлакат.
10. Тошкентда Саида Зуннунова ва Саид Аҳмадга ўрнатилган ёлғорлик ҳайкали муаллифи, ҳайкалтарош.
11. Далил, баҳона сўзининг бошқа бир маъноси.
12. “-Ука, кечаси кинодан чиқадиганлар ариққа тушиб кетишяпти. Кўпник қўририб қўйсангиз бўлмайдами?” (ҳажвия. 2012 й.) Образ.
13. “Келинлар қўзғалони”нинг давоми, “Фармонбиби... (?)”
14. Душанба ва Ҳўжанд драма театрларида “Келинлар қўзғалони” спектакли бир неча бор рус ва тожик тилларида саҳналаштирилган, “Фармонбиби” родини ижро этган актриса, Муттабар... (?)
15. Оғзаки шикоят, илтимос.
16. Ёзувчининг умр йўлдоши, адиба (1926-1977), “Гуллар водийси” (1954 й.) тўплами муаллифи.

17. “Келинлар қўзғалони” фильмидаги актёр М.Раҳимов ижросидаги образ.
18. Саид Аҳмаднинг бошқа бир ижодий “ҳобби”си.
19. Ўн икки ойдан бири.
20. “Уфқ” китоби (2016 й.) “Қирқ беш кун”, “Ҳижрон кунлари”, “Уфқ бўсағасида” трилогияси тайёрловчиси Ҳусанқўжаева, Саид Аҳмад қизи ... (?)
21. Тескари, зид, қарама-қарши.
22. Фармонбиби родини ижро этган актриса, халқ артисти Зайнаб ... (?)
23. Қатъий йорлар, жазм.
24. 1942-43 йилларда фаолият юритган тахририят.
25. “Келинлар қўзғалони” фильми (реж. М.Абзалов. 1985 й.)
26. Ёзувчининг шоғирдларидан бири, ҳажвичи. “Елвизак” асари муаллифи.
27. 1800 й. Француз газеталарида илова номи, ҳозирда бадий публицистик жанр.
28. “Танланган асарлар” китобидаги “Зумрад”, “Пойқадам”, “Тоғ афсонаси” қаторида яратган ҳаётий характерли ҳикояси.
29. Адибининг сўнгги йилларда (2000 й.) битилган ҳикояси.
30. “Келинлар қўзғалони” спектакли режисёри, Ўзбекистон халқ артисти Йўлдошев исми.

КРИПТОГРАММА. Жавоби ёзилган каталардаги рақамлар ёрдамида Саид Аҳмаднинг яна бир асари номини ўқишингиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон Бадий Академияси жамоаси Академия раиси ўринбосари Фарход Тошмухамедовга онаси
Озода ТОШМУХАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.